

Mustaqillik huquq demakdir

# HUQUQ

# 17  
(280)


YURIDIK GAZETA

| Aprel |   |    |    |    |
|-------|---|----|----|----|
| D     | 7 | 14 | 21 | 28 |
| S     | 1 | 8  | 15 | 22 |
| Ch    | 2 | 9  | 16 | 23 |
| P     | 3 | 10 | 17 | 24 |
| J     | 4 | 11 | 18 | 25 |
| Sh    | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Y     | 6 | 13 | 20 | 27 |

2003

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

E-mail: huquq@Infonet.uz



А.ТЎРАЕВ олган суратлар.

## SESSIYA TAASSUROTлари

Шу йилнинг 24-25 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ ўн биринчи сессиясида мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга молик бир қатор қонунлар қабул қилинди. Эндиги муҳим масала — ушбу қонунларни ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир. Хўш, ушбу ўзгаришларни амалга оширишдан қўзланган мақсад нима, дунёда тенглар орасида тенг бўлишга интилаётган Ўзбекистон давлати учун бу нима беради?

Биз билан суҳбатда бу ҳақда Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Нарзулла Жўраев куйидагича фикр билдирди.

— Олий Мажлисининг 11-сессиясида Президентимиз Ислоҳ Каримов жамиятимиз тараққиёти, давлатни ташкил этишнинг янги йўналишларини белгилаб берди. Унда Ўзбекистоннинг ташки сиёсати, хусусан, Ироқ атрофидаги можаораларга муносабати, халқроқ майдонга юзага келган муаммоларга ёндашиши, унинг стратегик мақсадлари аниқ равшан белгилаб берилди. Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, Ироқ масаласи кўтарилган кундан бошлаб, Ўзбекистон ўз сиёсий позициясида қатъий туриб келаётган дунёнинг қамдан-кам давлатларидан биридир. Бу бевосита тоталитар режимга, халқроқ терроризм ва унинг манбаларига, нарқобизнес ва диний фундаментализмга қарши бўлган инсонпарвар сиёсатни илгари суриш бобида Ўзбекистоннинг ўз суви борлигини намойён қилди. Иккинчидан, айтиш мумкинки, бу Ироқ давлати ёки халқига ёхуд қайсидир миллат, қайсидир динга қарши нуқтаи назар эмас, балки халқ истиқболини рўйбга чиқариш, унинг эркинлигини таъминлаш, демократик тамойилларни чуқурлаштириш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган жуда катта сиёсатдир.

АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабат айни

Бугунги кунда ҳокимият тузилмаларини ташкил этиш ва мувозанатни сақлашнинг янги, янада мукаммал демократик тизimini шакллантириш бўйича кўрилаётган чоралар, Конституциямизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар жамият сиёсий ҳаётини фаоллаштириш, фуқароларимизда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ўзлагини англаш туйғусининг кучайиши учун жиҳдий омил бўлмоғи керак. Ва бу жараёнларни, ўз моҳият этиборига кўра, ҳозирда ноқарор ҳолатда ҳам, жойларда ҳам кўриш мумкин.

Бундай шароитда вазиятнинг тўғри баҳолаш, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, маҳалла каби ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тузилмаси бўлиши умумэтироф этилган фуқаролик жамияти институтлари фаолиятга тўққилик қилмаслик, аксинча, уларни шакллантириш ва ишини жонлантириш учун кенг имкониятлар яратиш ўта муҳимдир.

(Президент Ислоҳ КАРИМОВнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги маърузасидан)

## Чоршанбадан Чоршанбагача

23 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовга Оксаройда Дания Қироллигининг мамлакатимиздаги Факулдада ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ларс Виссинг, Белгия Қироллигининг мамлакатимиздаги Факулдада ва мухтор элчиси этиб тайинланган Андре Мернье, Австралиянинг мамлакатимиздаги Факулдада ва мухтор элчиси этиб тайинланган Лесли Адриан Роу Ишонч ёрликларини топширдилар.

Вазирлар Маҳкамасида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Ислоҳотлар стратегияси — мамлакатимиз иқтисодий салҳиятини юксалтиришди» маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилиши, 2003 йилнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва иқтисодий ислоҳотларни баҳолашга бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

24 апрель

24-25 апрель кунлари Тошкентда Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси бўлиб ўтди.

25 апрель

Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисини сайлаш тўғрисида»ги, «Ф.Ф. Муҳитдиновани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари вазифасидан озод этиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосарини сайлаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди.

29 апрель

Тошкент Давлат юридик институтидида «Иқтисодий асослари ва ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш муаммолари (жазовий-ҳўқуқий ва криминалогик жиҳатлар)» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

## МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК МОДЕЛИ

шу умуминсоний кадрятлар доирасида дунёга келди ва бу ҳақдорлик янги асрда жаҳон цивилизацияси истиқболини белгилайдиган энг муҳим омиллардан биридир.

Сессиядаги иккинчи масала Олий Мажлисининг жаҳон парламентарларига баёноти дур. Бу баёнот Ўзбекистон давлатининг ташки сиёсати ва Ироқ теуарағидидаги можаораларга мамлакат парламентининг муносабатини билдирди. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон парламенти, унинг аъзоси бўлган депутатлар яқдиллик билан давлатимиз сиёсатини қўллаб-қувватлади. Иккинчидан, бу баёнот жаҳон парламентарларини умуминсоний кадрятларни ҳўмоқ қилишга, яъни инсон ҳўқуқларини қадрлашга, унинг яшаш ҳўқуқини, эрки ва озодлигини таъминлашга қаратилган жуда катта кадрятларни ҳўмоқ қилишга бошқарилади.

Шу билан бирга, сессияда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги, «Банк сирини тўғрисида»ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги сингари бир қатор қонунлар, шунингдек, 2002 йилги Давлат бюджет тўғрисидаги ҳисобот бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг қайсидир бир йўналишларини қонун билан мустаҳкамлашга ва унинг самарасини оширишга хизмат қилди.

— Сессияда қабул қилинган қонунлар ва кўриб чиқилган масалалар қаторида Президент Ислоҳ Каримов киритган мамлакат Конституциясининг айрим моддаларини ўзгариш, Президент ваколатининг бир қисминини парламентнинг юқори палатаси — Сенатга ўтказиш тўғрисидаги таклифларнинг хусусияти ва аҳамияти тўғрисида нима дея оласиз?

— Бу жаҳон тажрибасида бор нарс. Ўзбекистон Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бевосита парламент ислоҳоти билан боғлиқ жараён. Иккинчидан,

кейинги референдум натижаларини қонун билан қафолатлаш ва уни Конституцияга асос қилиб олиш нуқтаи назаридан бугунги кунда Асосий қонунимизга айрим қўшимча ва ўзгаришлар киритишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилапти. Бунда нималар назарда тутилмоқда? Биринчидан, икки палатали парламентага ўтишининг ўзига хос қонунчилик, тизimini бор. Демак, унинг механизминини, иш фаолиятини қонун билан қафолатлаш бир қатор қонунлар тизimini, жумладан, Конституцияни ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Иккинчидан, ҳозирги пайтда жаҳон давлатчилиги тажрибасида икки палатали парламента шароитида Президент ваколатларининг маълум бир қисминини парламентага юқлаш ва шу йўл билан қонун устуворлигига эришиш, жамоатчиликни жамиятни бошқаришга сафарбар қилиш тенденцияси мавжуд.

Масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам бор — Президентимиз: «давлат фаолиятини аста-секинлик билан қисқартириб боришимиз, шу асосда фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳўқуқий-демократик давлатни барпо этиш, жамиятни жамоат ташкилотлари орқали бошқариш тамойилини кучайтиришимиз керак», — деб доим таъкидлаб келади. Бу жаҳон давлатчилиги тажрибасида мавжуд, Ўзбекистон жаҳон тажрибаси билан миллий хусусиятларини уйғунлаштирган ҳолда ўзбек миллий давлатчилиги моделини яратаяпти, ҳоло. Айни пайтда миллий менталитет, миллий қиёфа бизнинг давлатчилигимизда яққолроқ кўзга ташланади. Миллий хусусиятларга кўпроқ этибор берилади. Бу — давлатчиликнинг бюрократик элементлариди, ягона бошқарув механизмининг секин-секин воз кечиб, эркин жамият, эркин инсон, озод фуқаро тамойилини турмуш тарзига айлантиришга имкон беради.

Дониёр ХАЛИЛОВ  
ёзиб олди

## Моҳият

Ҳаётга умид уйғотмоқ учун озгина умиднинг ўзи кифоя. Иккинчи кундан сўнг эса умид йўқолиши мумкин, аммо ўртада муҳаббат туғилиб қолади.

СТЕНДАЛ

**ПАҚАМ**

**Ўзбекистон Республикаси**  
Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти органлари томонидан 2003 йилнинг I чора-гида:

— солиқ тўловчилардан 950 млн. сўмдан зиёд маблағнинг ихтиёрий равишда давлат бюджетига тўланиши таъминланди;

— 8 млрд. 591 млн. сўм ( 2002 йилнинг I чорагида 5 млрд. 296 млн. сўм ) маблағнинг давлат бюджетига ундирилиши таъминланди;

— ҳўжалли юртивчи субъектлар томонидан ҳисоб рақамларидаги маблағларни нақдлаштириш, товарларни назорат қасса машинасида ўтказмасдан сотиш, тушумларни банкка топширмаслик ва улгуржи савдо тартибларини бузиш билан боғлиқ 8,9 млрд. сўм миқдордаги 677 та қонунбузилган ҳолатлари аниқланиб, айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди;

— ноқонуний равишда фаолият кўрсатаётган 264 та яширин цех фаолияти фoш этилди;

— ҳуқуқбузарлардан ноқонуний муомалада бўлган 203832 АКШ доллари, 54,2 млн. Ўзбекистон сўми, 82920 Россия рубли, 322,7 минг Қозғистон тенгеси олиб кўйилди, 41460 АКШ доллари ва 20,5 млн. Ўзбекистон сўми миқдордаги товар-моддий бойликлар давлат эгалигига ўтказилди.

**SESSİYADAN KEYINGI O'YLAR**

**Ўтган ҳафтада бўлиб ўтган**

**Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессияси мамлакатдаги демократик тамойилларга асосланган, тараққиёт сари йўналган жараёнларга янги саҳифа очиб берди. Мамлакат истиқболини белгилаб берувчи муҳим масалалар кўрилган маъзур сессия ҳам олдингилари каби қизгин ва мушоҳадаларга бой тарзда ўтди. Назаримда, парламентнинг бу галги сессиясини мамлакатимиз аҳли одатдагидан кўпроқ эътибор билан кузатиб борди.**

Бунга, биринчидан, президентимиз маърузасида айтиб ўтилгандай «...ушбу сессия кун тартибига ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ўта муҳим ўрин тутадиган Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала киритилган»лиги сабаб бўлди.

Иккинчидан, маъзур сессияда депутатлар парламентимиз тарихидаги янги давр — икки палатали парламентага ўтиш муносабати билан янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, давлат ва жамиятимиз тараққиёти билан боғлиқ яна бошқа қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Учинчидан, бу ҳолат жамиятимиз ҳаётида янги давр — фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий фаоллиги шакллана бошлаганидан ҳам дарак беради.

Сессия кун тартибига қўйилган масалалар ичида «Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг мавжудлиги дастлаб кўпчиликда «Нима учун муқамал дея эътироф этилган конституциямизга ўзгартириш ва тузатишлар киритилмоқчи? Бунга зарурат борми?» деган саволларни уйғотган эди.

Президентимизнинг маъзур сессиядаги маърузасида бундай саволларга батафсил жавоб берилди. Ислол Каримов мамлакатимизнинг Асосий қонуни-

# ДЕМОКРАТИЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ САРИ

қўшимчалар киритишга, уни қайта кўриб чиқишга сабаб бўлган ҳеч бир ҳолат юз бермаганига ургу бериб ўтди. Муболағасиз айтиш мумкинки, бу Конституция мустабид тузумдан демократик жамиятга, мамлакатни бошқаришда инқирозга юз тутган марказлашган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан эркин иқтисодиётга ўтишни таъминлади, давлатчилик ва ҳуқуқ, сиёсат соҳаларида, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган ислохотларни амалга оширишда ишончли ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам Конституциямизда ҳам бўлган демократик тамойиллар, мақсад ва вазифалар демократик ислохотларнинг изчиллиги, жамиятимизнинг барча соҳаси, жумладан қонунчилик, ижро, суд-ҳуқуқ соҳасидаги эркинлаштиришларга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ва шундай бўлиб қолади.

Президентимиз маърузасида Конституциямизни мустақиллик йилларида эришилган натижаларнинг бош маънаби сифатида баҳолаган экан, ундаги гоё ва мақсадларни ягона тўғри йўл дея эътироф этади. Барчага аёнки, табиат каби жамият ҳам ҳаммаша ривожланиш-

минос бўлими мутасаддилари бирон марта ҳам юқори ташкилотларга ёзма равишда мурожаат этмаган. Танаси бошқа дард билмас дегани шу бўлса керак.

Биз ҳозирда маҳалла адолат маскани эканлиги ҳақида сўз юритгандик. Ҳақиқатан ҳам моддий ёрдамга муҳтож оила маҳаллақўм учрайди. Кимнинг қандай яшаётганини маҳаллақўм яхши билади ва ёрдам беришга ҳаракат қилади. Лекин кўпгина оила бошиқлари кўз ёши қилиб давлатдан турли йўллар билан пул ундиришга ҳаракат қилишяпти. Тўрт мучаси соғ,

ҳаракатда, ўзгаришда. Шундай экан, юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида янги-янги муаммолар пайдо бўлади ва уларни ҳал этиш бўйича янги-янги вазифаларни бажаришимиз лозим.

Демак, Асосий қонунимизга қўшимча ва ўзгартишлар киритишни тараққиёт мезонлари талаб қилмоқда. Сес-

сия олдиндан кўпчилик Конституцияга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш масаласига қандайдир иккиланиш билан қарамоқда эди. Бу ҳолат, бир томондан, Асосий қонунимизнинг халқимиз учун муқаддас қадриятга айланиб улгурганини кўрсатади. Бу қўшимча ва ўзгартишлар Конституцияимизнинг мазмун ва моҳиятига, мақсад ва вазифаларига асло даҳл қилмаслиги юртбошимиз маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзгартиш ва тузатишлар Асосий қонунимизнинг асосан парламент, унинг палаталари мақоми ва ваколатлари,

Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, сайловга доир моддаларга тегишли. Шунингдек, суд ҳокимиятига тааллуқли айрим моддаларга ҳам ўзгартишлар киритилмоқдаки, улар суд тизимини ихтисослаштириш ва тақомиллаштириш жараёнини кенгайтириши, судларнинг амалдаги мустақиллигини кафолатлайди.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда жиний ҳазорларни либераллаштириш борасида дадил қадамлар қўйилди. Асосий қонундаги суд ҳокимиятига тегишли айрим моддаларга киритилган ўзгартишлар ана шундай қонунчилик ҳўжалатларининг моҳиятини ифодалайди.

Биз қисқача тўхталиб ўтганларимиз юртбошимиз маърузасида таъкидлаб ўтилган фикрларнинг айрим жиҳатлари ҳолос. Сессияга қабул қилинган, ўзгартишлар киритилган қонунлар ижроси, президентимизнинг маърузасидан келиб чиқувчи асосий вазифалар ҳар биримизнинг зиммасига улкан масулият юклайди.

Биз бугун мамлакатимизда қонун устувор бўлган, демократия тантана қилган озода ва обод фуқаролик жамияти барпо этишни мақсад қилиб қўйганмиз. Бунга эришишнинг ягона йўли — фақатгина изланиш, янгиланиш ва ислохотлар йўлидан олға интилиш экан, демократик тараққиёт йўлидан огишмайлик.

**Баҳриддин ВАЛИЕВ,**  
Тошкент шаҳар прокурори

**QUTLOV**

## ТАБАРРУК ЁШ МУБОРАК!



**Ҳурматли Наримон Ҳуроқович!**  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси раҳбарияти ва фахрийлари кўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази жамоаси номидан Сизни табарруқ 80 ёшингиз билан самимий мураббабод этамиз!

Сиз Навоий ва Самарқанд вилоят прокуратураси органларида 20 йилдан ортиқ турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтдингиз. Бор кучингизни прокуратура органлари фаолиятини яхшилаш, жиноятчиликка қарши курашиш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш ҳодимларни тарбиялаш ишига сарфлаб келдингиз.

Сиз камтарлик, фидойилик ва хизмат бурчига содиқлик каби фазилатларингиз билан ҳамкасбларингиз орасида қатта ҳурмат қозонганисиз. Ишонамизки, Сиз бундан кейин ҳам кўп йиллар давомида мамлакатимизда ҳуқуқ тартиботини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига бой тажрибангиз, маслаҳатларингиз билан ҳиссангизни қўшаверасиз.

Бугунги шодиёна кунда Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, эзгу ниятларингизга эришишда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Республика Бош прокуратураси раҳбарияти, Республика прокуратура органлари Фахрийларини кўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази

келмоқда. Кўриниб турибдики, маҳаллақўмлар зиммасига ниҳоятда масъулиятли вазифалар юклатилган. Лекин барча маҳаллақўм раислари халқнинг ишончини оқлайти дея олаймиз. Баъзиларни амал курсисига ўтириб олгунча маҳал-

ловага ҳам ана шундай «гамҳўрлик» қилинди. Ана сизга адолат. Ўйлаб қоласиз. Бундай ишларнинг бошида турган қишлоқ фуқаролар йигини раислари лавозимига лойиқми? Бундай мисолларни хоҳлагунча келтириш мумкин.

Ҳақли савол туғилади: нима учун бундай адолатсизликлар содир қилинмоқда? Бизнингча, бу адолатсизликларнинг сабаби кадрларга бориб тақалади. Ўз жойига номуносиб кадр нопокликдан қайтмайди. Давринг келди, сўр бегим қабилида ишлайди. Қаярда танишбилешчилик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйилса, ўша жойда адолатсизлик учрибди. Бундай ҳолатлик норозиликка сабаб бўлади. Юқориде айтиб ўтилган камчиликларга ҚҒЙ ва маҳаллақўм раисларига билмасдан йўл қўйган десак, хато сўзлаган бўламиз. Уларнинг айримларини амал, баъзиларини пул йўлдан урган. Фуқаролар йигини раислигига ва маҳаллақўм раислигига эл назаридаги, виждонли инсонлар қўйилиши керак. Ана шундагина халқ бу идорага адолат излаб, ёрдам сўраб боради.

**Баҳодир ЭРҒАШЕВ,**  
Арносей тумани прокурори

**2003 YIL — OBOD MAHALLA YILI**

**Халқимиз ҳаётини маҳалласиз тасаввур қилиш қийин. Яхши кунимиз ҳам,**

ташвишли онларимиз ҳам маҳалла билан. Мамлакатимизда маҳалланинг нуфузини янада ошириш мақсадида 2003 йил — Обод маҳалла йили деб эълон қилинди. Маҳалла бугунги кунда қатта тарбия ўчоғи сифатида истиқлол мафқураси билан бойиб, келажакимизга хизмат қилувчи муътабар даргоҳга айланиб бормоқда. Энг асосийси, у зининг қонуний мақомига эга бўлди. Маҳалла энди бундан 15-20 йил олдинги оддий оқсоқоллар йигини эмас, балки қонуний ваколатга эга бўлган маъсўл идорадир. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил қилиш масаласи, уларнинг давлат бошқаруви тизимидан ажралганлиги, юридик шахс мақомига эга эканлиги, ўз ҳудудидаги масалалар бўйича мустақил, эркин қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида кафолатлаб қўйилди.

# ОҚСОҚОЛ ЎЗ НОМИГА МУНОСИБ БЎЛСИН

берилмаган. Оқибатда айрим қариялар ўзларига ажратилган озиқ-овқатларни ўз вақтида олишмаган. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳеч кими йўқ қарияларга нисбатан қилинган бундай лоқайдликни қандай изохлаш мумкин?

Текширишда яна шу нарса маълум бўлдики, 2003 йил январь ойи учун берилмаган 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари шу кунга қадар олинмаган. Боқувчисини йўқотган ёлғиз қариялар эса ёрдам сўраб бир қанча идораларнинг эшигини қоқишга мажбур бўлган. Сабаби, 2003 йил учун тузилган шартнома-лар туман молия бўлими ва ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тасдиқланмаган. Энг ажабланирлиси, бу борада ижтимоий таъ-


тоғни урса, талқон қиладиган айрим кимсалар ҳам шулар жумласидан. Тумандаги «Ғалаба», «Зарафшон», «Тинчлик», «Бахтли» фуқаролар йигинлари фаолияти таҳлил қилинганда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Бугунги кунда давлатнинг ўнгла яқин ваколати маҳалла фуқаролар йигинига ишониб топширилган. Маҳаллалар кам таъминланган, 16 ёшгача боласи бўлган оилаварини, 2 ёшгача боласи бор, ишламаядиган оналарни, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш, маҳалла ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш, тарбиявий-маърифий, ободончилик ишларини йўлга қўйиш каби юмушларни бажариб

ладошларига ваъдани қуюқ қилишади. Сўнг эса ўз билганидан қолишмайди. Қозончида ихтиёр қайдан қулоқ чикарса, қабилида иш қилади. Хоҳлаганга «ҳиммат» қилади. Хоҳламаган фуқарога у қозони олиб кел, бу қозонни олиб кел, дея бюрократлик қилади. Масалан, «Ғалаба» қишлоқ фуқаролар йигинида Ш.Турсунов, И.Зуллонов, С.Кушербоева каби ўндан ортиқ фуқаролар даромади ортиқча бўлишига қарамай давлатдан 20 минг сўмдан ортиқ маблағ ундирган. Энг ажабланирлиси, 4 нафар воёга етмаган фарзанди бор Р.Қурбоновага маҳаллақўм моддий ёрдам бермаган. Сабаби, унинг даромади ҳисоблаб кўрилганда 3 сўм 50 тишин ортиқ қиққан эмиш. М.Ҳўжақу-

Маҳалла — адолат маскани ҳам бўлмоғи керак. Чунки, ҳаётда баъзан кўни-қўшни, куда-андалар ўртасидаги жоҳарларни тинч йўл билан ҳал қилиб, муросага чакририш ҳам маҳалла оқсоқоллари зиммасига юклатилган. Бугунги кунда ҳар бир маҳаллада ярашув комиссиялари фаолият кўрсатмоқда. Агар маҳалла оқсоқоллар йигини оддий масалаларда адолатсизлик қилса, арзимас кўринган муаммолар юқори ташкилотларга чиқади. Ёз-ёз ва норозиликлар бошланади. Арносей туман прокуратураси «Болали оилаларни давлат томонидан кўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги ва «Ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз пенсионерларни белгилашдан 9 турдаги меъёрий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тўғрисида»ги фармонлар ижросини ўрганиб чиққанда туманда бу борадаги ишлар кўнглидагидек эмаслиги маълум бўлди. Ҳокимлик назорат қилмаганлиги сабабли ўзини-ўзи бошқариш органларига туман молия бўлими томонидан ўтказиб берилган маблағлар ўз вақтида «Матлубот-савдо» АЖ ҳисоб рақамига ўтказиб

# Мақтублар, шикоятлар, жавоблар



**PAKAM**  
Чоршанбадан чоршанбагача тахририят муштариолардан 26 та мақтуб олди.

## ● Minnatdorchilik

### УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Мен Амударё туманидаги ветеринария назорати инспекциясида дезинфекцияловчи врач бўлиб 30 йилдан ортқ ишладим. 1977 йилда иш пайтида жароҳат олдим. 1986 йилда ТМЭК комиссияси қарори билан менга 2-гурӯх ногиронлиги белгиланди. Ушундан бунин ногиронлик пенсиясини олиб келаётган эдим. Мен ишлаган идора Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-қарорига асосан касб касаллигига чалинган ходимнинг даволаниши билан боғлиқ барча харажатларни қоплаши лозим эди. Афсуски, идора бу қарорни бажаришдан бош тортиди.

Шундан сўнг ўтган йил июль ойида прокуратурага ариза билан бордим. Туман прокурори Холмурод Бахронов мени илик кўтиб олиб, арзим юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судига даъво аризаси киритди. Натيجада менинг Тошкент офтомологик клиникасида даволанганим учун тўланиши лозим бўлган 112.515 сўмини инспекция клиника ҳисобига тушириб берди. Йўл харажати учун сарфланган 24 минг сўм пул ўзимга қайтарилди.

Мен прокуратура ходимлари берган ёрдамдан миннатдорман. Улар ҳақиқий қонун ҳимоячилари эканлигига ўзим гувоҳ бўлдим.

Оллол ЖУМАБЕКОВ,  
Амударё тумани «Кипчок» ширкат хўжалиги

## ● Muloqaza

### ПОЧТАЧИЛАРГА ИШОНАСИЗМИ?

Ассалому-алайкум, «Қонун ҳимоясида» бирлашган тахририяти ижодкорлари!

Ушбу мақтуб орқали ҳаётимиздаги айрим иллатлар ҳақида фикр юритмоқчиман. Уғлимиз Алламов Курбонбой Сурхондарё вилоятида Ватан олдидаги аскарлик бурчини ўтамоқда. Уғлимиз ёзган хат 2002 йил 25 декабрда Сурхондарёдан чиқиб, Хоразм вилояти Шовот туман почтасига 2003 йил 2 январда (8 кунда) келса-ю, биз уни 14 январда (12 кунда) олсак, бу қандай гап? «Дард устига чипқон» дегандек 16 январда уғлимиздан яна бир хат олди. Қарасак, конвертнинг икки томони очик. Буни ким қилди десақ, кўшимчи, почтачи ўзи очик экан, деб бериб кетганини айтди. Уқиб кўрсак, уғлимиз янги йилда суратга тушиб юборган экан. Ичидаги суратни олиб қолиб, хатни бериб юборишбди.

Сингиллари: «Ота, нима учун ўндай қилишадиган?» — деб кўз ёш қилганликлари учун ушбу мақтубни ёзишга мажбур бўлдим. Чунки бу ёшлар соғинч ёшлари эди. Сурати булганда, ўзини кўргандай бўлармикиди?

Менинг ўримга ўзингизни қўйиб кўринг-чи? Конституциямизнинг 27-моддасида бу ҳақда олтин харафлар билан ёзиб қўйилган-ку, нахотки почта ходимлари ҳуқуқ ва бурчларини билмасалар?

Рустам АЛЛАМОВ,  
Шовот тумани  
Махтумқули ширкат хўжалиги

## ● Madatlab maktub

### ВАЪДАГА ВАФО ЛОЗИМ

Хурматли тахририят!  
Мен Беруний туман кўзи оғизлар жамияти раиси бўлиб ишлайман. Ушбу мақтуб орқали шуни маълум қиламанки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1999 йил 2 октябрдаги қарори ҳамда туман ҳокимининг буйруғига асосан «Олтинсой» жамоа хўжалиги экин экиб фойдаланиш ва кўкаламзорлаштириш учун жамиятимизга 10 гектар ер ажратиб берди. Лекин бу ер умуман ишланмаган, сув чиқмайдиган, ҳосил олиб, кўкаламзорлаштириб бўлмайдиган жой. 140 нафар 1-гурӯх, 124 нафар 2-гурӯх ногиронининг иқтисодий шароитини яхшилаш учун бизга яхши ер керак.

Шу масалада 2000 йилдан бери туман ҳокими А.Жуманиёзовнинг қабулхонасига 6 марта бордим. Аразимни ҳал қилишни А.Жуманиёзов муовини М.Нурумбетовга топширади, у «Олтинсой» жамоа хўжалиги раисини бир неча марта кабинетига қақиртириб, кўзи оғизлар жамиятига яхши жойдан ер бер, деб топшириқ берди. Кабинетда «хўп, хўп» деб ваъда берган раис жамоа хўжалигига борганимизда ҳар хил баҳоналарни топади. Илтимос, шу масалани ҳал қилишга ёрдам берингизлар.

М.ДОСУМОВ,  
Беруний туман кўзи оғизлар жамияти раиси

## ● Arz

### «КАРАМ» БОРМИ ДЕДИ...

#### Тошкент вилояти меҳнат ва ижтимоий бошқармаси раҳбарлари диққатига

Мен, Орзиева Гулчеҳра, Тошкент вилояти Бекобод тумани Зафар шаҳарчаси У.Носир кўчасидаги 24-уйнинг 1-хонадонда яшайман. Оиламиз, икки нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим Орзиев Бахтиёр 12 йилдан бунин ҳарбий хизмат ногирони, ҳар икки йилда ТМЭКдан ўтиб туради.

Турмуш ўртоғимни Тошкент вилояти Тиббий меҳнат-экспертиза комиссиясига энди вақти келди, деб умрбод ногиронлик тайинлашларини сўраб, «тез ёрдам» машинасида олиб боргандим. Қаровчиси бўлганим учун уларга ҳамма ҳужжатларни кўрсатдим, ТМЭК аъзолари ташқарига чиқиб, «тез ёрдам» машинасида ётган турмуш ўртоғимни номигагина текшириб кўришди-да, хоналарига киришди. Фитизиатр шифокор Н.Шаропов мени бир бўш хонага киргизиб, уруг-аймоғимни, касбим ва даромадимни сурштирди. Сўнг менидан қарам борми деб сўради. Мен содда кишлоқлик қилиб «бор» дебман. Қоғоз «қарам» — долларни сўраяман деди у бармоқларини қарсиллатиб. Долларимиз йўқлигини айтсам, 50.000 сўм беришим лозимлигини айтди. Бунча пуллимиз йўқ десам, унда иш чаток деди. Врачлар мендан ҳеч нарса ундиришолмагандан кейин турмуш ўртоғимни бир йилга 2-гурӯх ногиронлигига чиқаришди. У эса ҳар доим 1-гурӯх ногирони бўлиб келган.

Энди мен нима қилайин? Уларга пулни қаердан топиб бераман? Ҳақиқатни қарор топтиришда ёрдам беришларингизни сўрайман.

Гулчеҳра ОРЗИЕВА

## ● Taklif

### ДУНЁ САҲНАСИДА...

«НУҚУҚ»ни мунтазам ўқиб бораман. Айниқса, «Халқаро ҳаёт» саҳифасига қизиқаман. Унда жаҳон сиёсий саҳнасида юз бераётган воқеалар ҳақида хабарлар берилиши яхши, албатта. Бироқ бир таклифим бор эди: ушбу саҳифада маълум бир давлатда юз берган йирик воқеа ва унинг юзага келиш сабаблари ҳақида таҳлилий мақолалар берилса, янаям яхшироқ бўлар эди. Масалан, Аргентинадаги бултурги иқтисодий кризис тўғрисида. Таклифимни инобатга оларисизлар деган умидман.

Файзулла ЭГАМНАЗАРОВ,  
аспирант

## ● Javob

### ВАҚТИНЧА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН БЕРИЛДИ

Пахтачи туман ҳокимлиги фуқаро Эгамназар Омоновнинг аризасини ўрганиб чиқди. Э.Омонов иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1-гурӯх ногирони, ҳозир «Сотиболди» маҳалласида қизи Шарофат Омонова (ёлғиз она, 4 нафар фарзанди бор) билан бирга яшайди. Э.Омонов ногиронлиги ва моддий жиҳатдан қийналаётганлиги сабабли қўшини Незмат Қаҳҳоров билан унга уй-жой учун ажратилган ердаги томорқадан вақтинча фойдаланиш тўғрисида келишган. Лекин шу маҳаллада яшовчи Нормурод Эшўлатов ҳам Н.Қаҳҳоров билан шу ҳақда келишган бўлиб, натижада иккала келишган томон ўртасида низо келиб чиққан. Маъмур низо маҳалла раиси, хўжалик раиси, хўжалик тафтиш комиссияси раиси ва ер тўзувчиси иштирокида ўрганиб чиқилди ва шикоятчининг оилавий шароити, ногиронлиги ҳисобга олиниб, хўжалик томонидан Н.Қаҳҳоровга уй-жой учун ажратиб берилган ер майдони томорқаси унинг розилиги билан вақтинча фойдаланиши учун Э.Омоновга берилди. Н.Эшўлатов маъмур ҳудудда кўча раиси бўлиб, шикоятчига нотўғри муносабатда бўлганлиги учун унга нисбатан интизомий чора кўриш тўғрисида «Сотиболди» маҳалла фуқаролар йиғини раисига топшириқ берилди.

А.ҲАЙИТОВА,  
Пахтачи туман ҳокимининг ўринбосари

## ● Javob

### «ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК КЕРАК...МИ?»

«НУҚУҚ», 12 март 2003 йил, 10-сон

Шўрчи туман прокуратураси мақола юзасидан текшириш ўтказди. Аниқланишича, «Шўрчи пахта» акциядорлик жамиятининг ёрдамчи хўжалик ташкил этиш учун 10 гектар ер ажратиш ҳақидаги хатига асосан туман ҳокимлигининг 1980 йил 28 июлдаги 305-қарорига кўра сугориладиган ердан 8 гектар ва кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ердан 8 гектар берилган. «Шўрчи пахта» АЖ маъмур ёрдамчи хўжаликни юритиш учун ташланган 8 гектар ернинг 2,93 гектари 150 та қорамол ва 200 та қўй-эчки сақлашга ҳамда 50 та қорамолни семиртиришга мўлжалланган молхоналар қуриб, қолган 8 гектарига чорвани боқиб учун озукабоб экинлар экиб фойдаланиб келган. Мақолада чорвачилик махсусотлари ишлаб чиқариш кўпайганилиги кўрсатилган. Аслида 2000 йилда 133.900 сўмлик 3100 кг., 2001 йилда эса 270.900 сўмлик 2915 кг. сўт олинган. 2000 йилда 237.800 сўмлик 400 кг. гўшт олинган бўлса, 2001 йилда 354.600 сўмлик 333 кг. гўшт олинди, ишчи-хизматчиларга бепул тарқатилган. Шу йилларда умумий даромад 5 млн. сўмдан ошган. Ёрдамчи хўжалик 2000 ва 2001 йилларда ер солигини амалдаги қонун нормаларига асосида тўлаган бўлишига қарамастан, сугориладиган 8 гектар ер туман ҳокимлигининг 2001 йил 13 ноябрдаги қарорига кўра олиб қўйилган бўлса, 2002 йилда ҳам 8 гектар ер учун 2.640.000 сўм ер солиғи тўлатилган. Туман прокурори туман ҳокимининг ушбу қарорига асосан «Шўрчи пахта» АЖнинг 8 гектар ери «Озод» ширкат хўжалигига қонун нормаларига зид равишда қайтариб берилган деган хулосага келган. Шу муносабат билан туман прокурори томонидан 2003 йил 25 март қўни туман ҳокимлигига маъмур хўжалик ферми хўжалигига айлантирилганлиги сабабли ерни ёрдамчи хўжаликка қайтариб бериш борасида хат киритилган ва «Шўрчи пахта» АЖга ортқча ушланган ер солигини қайтариб олиш борасида хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган. Ф.БОЙЗОКОВ,  
Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

## ● Shikoyat

### УЙИМНИ СОТИБ КЕТИШДИ

Хурматли тахририят! Мен 27 йилдан бери 2-гурӯх меҳнат ногирониман. Уйимизга эгалик қилолмай, икки йилдан бери турмуш ўртоғим билан сарсонмиз. Фуқаролик судига «дело» тахлаб, 2001 йил июнь ойида мурожаат этдик, 2002 йил январь ойидагина «дело»га имзо чекилиб, Шўрчи фуқаролик суди кўради, дейишди. Ишимиз 2002 йил август ойидагина қурилиб, бизнинг фойдамизга суд ҳукми чиқарилди. Лекин жавобгар Маликов апелляция шикояти ёзди ва Сурхондарё вилоят суди ишни қайтадан кўриб чиқиб, яна туман судига қайтарди. Агар судда ишни кўриш яна икки йил чўзилса, у можароли уйдан ҳеч нарса қолмас керак. Тафсилотни қисқача тушунтирмоқчиман: мен 1946 йили Шўрчи шаҳрида туғилганман. Отанам камбағал, отам тракторчи бўлиб ўтган. Ёлғиз ўғилман (5 нафар опа-синглим бор). 1976 йилда отамнинг ҳовлисига икки хонали, олди айвонли уй солганман. Отамнинг уйи эса 1957 йилда қурилиб, хароба ҳолига келиб қолган. Турмуш ўртоғимни туман ижроия кўмитаси раиси муовини этиб тайинлаганликлари учун «Пахтакор» қолхозига кўчиб бориб яшашга мажбур бўлдим ва ўз уйимга отамнинг эски уйи босиб қолмасин, яшаб туришлар деб, онам билан опам Гўлбекани (фарзанди йўқ, оила қурмаган) қўйдик. 2000 йил апрелда онам вафот этди. Барча маросимларни ўтказиб, уйга келиб касал бўлиб ётиб қолдим. Пайтдан фойдаланиб Гўлбека опам уйимни қўшинимиз Маликов Набижонга сотиб, хайр-маъзурни насия қилиб кўчиб кетган. Эшитишимизча, Чирчиқда эмиш, лекин у адресда яшамайди деб хат қайтиб келди. Телефон номери ҳам жавоб бормаиди.

Хурматли тахририят, илтимос, ушбу масалани ечиб, ўз уйимга эгалик қилишимга ёрдам беринг. Сотиб олган Набижоннинг дангиллама уйи бор, бизнинг уйга ижарачи қўйиб фойдаланмоқда.

Болаларим билан ўша уйда пропискада турибман, уй дафтари ўзимда, ҳужжат бўйича уй қонуний меники, лекин қиролмайман.

Тоҳир МАННОНОВ,  
Олтинсой тумани «Пахтакор» ширкат хўжалиги




## JARAYON

4-5 май кунлари Тошкентда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) Бошқарувчилар кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг тўлақонли бозор иқтисодиётига ўтишида, мамлакат молия ташкилотларининг мустақамланишида ЕТБ катта ўрин тутишини инobatга олиб, ушбу анжуманининг аҳамиятига юқори баҳо бериш мумкин.

Т  
А  
Р  
А  
К  
К  
И  
Ё  
Т  
Г  
А

1991 йилда, яъни Марказий ва Шарқий Европада коммунистик режим инқирозга учраб, ағдарилган ҳамда собик социалистик блокка кирган давлатлар демократия шароитида янги хусусий секторни барпо этиш учун мададга муҳтож бўлиб қолган бир пайтда ЕТБ ташкил этилган эди. Ҳозирги кунда ЕТБ инвестицияларидан Марказий Европа ва Марказий Осиёнинг 27 та мамлакатда демократия ва бозор иқтисодини барпо этишда фойдаланилмоқда.

ЕТБ ушбу ҳудуддаги энг катта инвесторлардан биридир. У ўз маблагларини жойлаштириш билан бирга ҳудуддаги мамлакатларга чет эл инвестицияларини жалб этиш билан ҳам шугулланади. 60 та давлат ҳамда 2 та халқаро ташкилот унинг акциялари соҳибидир. Акциядорлар давлат вакиллари бўлса, ЕТБ ўз маблагларини тижоратчи шериклари билан бирга асосан хусусий корхоналарга жойлаштирилади. ЕТБ банклар, корхоналар ва компанияларни лойиҳа асосида молиялаштирилади. ЕТБ хусусийлаштириш ҳамда структурани қайта қуриш, комму-



**ТИРГАК БЎЛИБ...**

нал ҳужаликни такомиллаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат компаниялари билан ҳам ҳамкорлик қилади. ЕТБ тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароит яратиш мақсадида ҳудуддаги мамлакатлар ҳукуматлари билан ўрнатган яқин алоқаларидан фойдаланади. ЕТБ уставида унинг фақат демократик тамойиллар тарафдори бўлган мамлакатларда фаолият олиб бориши белгилаб қўйилган.

Атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисида гамҳўрлик корпоратив бошқарув тизимининг таркибий қисми ҳисобланади, шунинг учун у ЕТБнинг барча инвестицион ҳаракатларида назарда тутилди.

ЕТБ маълум бир мамлакатда ўзи ўтказадиган ҳар бир операцияда куйидагиларни назарда тутди:

- 1) мамлакатда тўлақонли бозор иқтисодиёти вужудга келишига ёрдам бериш;
- 2) хусусий инвесторларга ёрдам кўрсатиш мақсадида бутун масъулиятни ўз зиммасига олиш, аммо уларни бозордан сиқиб чиқармаслик;
- 3) банк фаолияти юритишнинг оқилона тамойилларини қўллаш. Ўз инвестицияларини киритиш (жойлаш) йўли билан ЕТБ:
  - структураларни ва тармоқ ислохотларини ўтказишга;
  - рақобат, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни тараққий эттиришга;

— молия ташкилотлари ва ҳуқуқ тизимини мустақамлашга;

— хусусий секторни қўллаб-қувватлаш мақсадида зарур инфраструктурани ривожлантиришга;

— табиатни муҳофазга қилиш муаммоларини ҳал этиш мақсадида корпоратив бошқарувнинг ишончли ишчан тизимини татбиқ этишга ёрдам беради.

ЕТБ президенти жаноб Жан Лемьер ҳамда вице-президент Норин Дойллар ташкилот фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширадилар. Ҳар бир мамлакатдаги ваколатхонага алоҳида раҳбар тайинланади. Ўзбекистон 1992 йилдаёқ ушбу ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлган эди. 1993 йилда ЕТБ Тошкентда ваколатхонасини очди. Ҳозирги кунда бу ваколатхонаи Фенжи Наказова бошқармоқда. ЕТБ кредитларининг 60 фоизи хусусий секторга, қолганлари давлат секторига йўналтирилади.

Ҳозирги кунгача мамлакатимизда ушбу банк ёрдами билан умумий баҳоси тахминан 1,4 млрд. доллар бўлган 20 та лойиҳа амалга оширилди. Унда ЕТБнинг ҳиссаси 723,8 млн. долларни ташкил этади. Умуман, Ўзбекистон ЕТБнинг акциядори сифатида 42 млн. евро миқдоридagi 4200 дона акцияга эгалик қилмоқда.

Банк мутахассислари 320 млн. долларга яқин қийматдаги яна 8 та лойиҳа устида иш олиб бормоқдалар.

ЕТБ Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун иккита кредит линиясини очган. Умумий қиймати 324,9 млн. доллар бўлган 9 лойиҳани Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан ҳамкорликда амалга оширмоқда. Молиявий қўмақ Ўзбекистон банкларининг нефт-химия sanoати моллари, озиқ-овқатлар, sanoat товарлари, тиббий асбоб-ускуналар ва бошқа ўта зарур маҳсулотларни сотиб олишида жуда қўл келмоқда. Аини пайтда ЕТБ «Асакабанк»ни хусусийлаштириш лойиҳасида иштирок этишга қарор қилган.

ЕТБ Бошқарувчилар кенгашининг бу йилги мажлиси Тошкентда ўтказилмаётганининг ўзи ҳам мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти олдида обрўси ошиб бораётганлигидан далolat беради.

Йўлдош ПАРДА  
тайёрлади

## FARMON VA IJRO

тўғрисида»ги президент фармони эълон қилинди. Дарҳақиқат, қишлоқ ҳўжалигида бозор муносабатларини мустақамлаш, шартномавий муносабатларни кучайтириш каби вазифалар тармоқдаги муаммоларни бартараф этиш учун долзарб аҳамиятга эга. Жиззах вилоятининг Дўстлик ва Мирзачўл тумани прокурорлари Акбархон Турсунов ва Саидмурод Шерназаровлар билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Президентимиз ўз вақтида:

«Қишлоқда бозор муносабатларини жорий қилишнинг маъно-моҳияти бу аввало, асосий бойлигимиз бўлган ердан қандай фойдаланиш, қаерга нима экиш, қанча ҳосил етиштириши қатъий белгилаб берадиган эскича қарашлардан воз кечиш эканини чуқур англаб олишимиз даркор. Бу биринчи навбатда бозор муносабатларига мос келадиган ҳамда қишлоқ ҳўжалигидаги ишлаб чиқарувчиларнинг эркин фаолиятини чекламайдиган янги баҳолаш мезонларига ўтиш демократия» деб таъкидлаб ўтганди. Уйлайманки,

ушбу сўзлар тармоқдаги ислохотларнинг бутун моҳиятини очиб беради...

С.ШЕРНАЗАРОВ,

Мирзачўл тумани прокурори:

— Дарҳақиқат шундай, айнан юқорида келтирилган фикрлар ўтган йиллар давомида қишлоқ ҳўжалигида бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган ҳуқуқий базани яратишнинг асосини ташкил этди десак тўғри бўлади. Ширкат, деҳқон, фермер ҳўжалиги тўғрисидаги қонунлар, Ер кодекси, шартномавий муносабатларни тартибга солувчи норматив актлар бунга мисол бўла олади. Айнан шу қонунлар асосида қишлоқ ҳўжалигида туб ислохотларнинг биринчи босқичи амалга оширилди.

А.ТУРСУНОВ,

Дўстлик тумани прокурори:

— Президентимизнинг юқорида келтирилган фикрлари беҳиз айтилмаганлигини таъкидламоқчиман. Нимагаки, ўтиш даврининг мураккаб шароитида қишлоқ ҳўжалиги бозор муносабатларини олиб кириш қатор кийинчиликларсиз, муаммоларсиз бормаслиги эндиликда тўла-тўқис аён бўлди. Қишлоқда «эскича қарашлардан» воз кечишни истамайдиган, маъмурий-бўйруқбозлик асосида иш юритиш усулига қўниқиб қолган шахслар ҳали-ҳамон мавжуд. Бунинг сабабларидан бири айнан шу эскича муносабатлар сақланиб қолишидан манфаатдорлик эканлигини ҳеч иккиланмай айтиш мумкин.

С.ШЕРНАЗАРОВ:

— Бу фикрга мен ҳам қўшиламан. Мулкка, ерга эгаликнинг хусусий шакли қарор топиб бораётган экан, табиийки, бунга ўз фаолияти билан чаб бораётганлар ҳам учраб турибди. Эркин тадбиркорликнинг янги шакллари бюрократик, сансалорлик йўли билан тўқис қўйётганларни кечирish мумкин эмас. Шартномавий муносабатларга масъулиятсиз ёндашув, тўлов интизомига риоя қилмаслик каби қўллаб-қувватлаш ҳам соҳа ривожига тўқис бўлмоқда.

— Шу ўринда бир савол туғилади. Қанда қилиб айтганда, соҳадаги муаммо ва тўқислар нимага қўл кўзга ташланмоқда?

С.ШЕРНАЗАРОВ:

— Бу биринчи навбатда ерга эгалик қилолмаслик, ўз меҳнат маҳсули бўлган маҳсулотга тўла-тўқис эга бўлолмаслик, шартнома

Яқинда «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларнинг энг муҳим йўналишлари

қилинган, 215 литр мотор мойи, 33 литр вертонка мойи, 1166 литр бензин, 232 литр нигрол мойи, жами 273.367 сўмлик маҳсулотни талон-тарож қилган экан.

Афсуски, мулкка эгалик тушунчасини одамлар онгига батамом

қилинган, 215 литр мотор мойи, 33 литр вертонка мойи, 1166 литр бензин, 232 литр нигрол мойи, жами 273.367 сўмлик маҳсулотни талон-тарож қилган экан.

Афсуски, мулкка эгалик тушунчасини одамлар онгига батамом



## ШАРТНОМА БАЖАРИЛИШИ ШАРТ

шартларига, тўлов интизомига риоя қилмаслик, ажратилган ресурслардан пала-партиш фойдаланиш кабилардан иборат.

А.ТУРСУНОВ:

— Ҳамкасбимиз таъкидлаганидек, ушбу тўқислар ҳақиқатан ҳам ислохотларни чуқурлаштиришда жиддий тўқис бўлмоқда. Айниқса, хизмат кўрсатувчи муассасалар, жумладан, банк-молия идоралари, кимёвий ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари билан тизминловчи ташкилотлар, техник хизмат кўрсатувчи МТПлар фаолиятида жиддий камчиликлар учраб туради. Мазкур муассасалар ўзларининг «мижозга хизмат кўрсатувчи муассаса» эканлигини тўғри англаб олиши лозим. Ҳолбуки, бозор иқтисодиёти талабларидан энг биринчиси мижоз манфаатининг аниқ эканлигига асосланади.

— Ушбу масалани таҳлил этишда аниқ мисолларга ўтасак... Масалан, Жиззах вилояти ер ресурслари бошқармасининг маълумотига қараганда, ўтган 2002 йилнинг олти ойи ақсуларига биноан 121 та фермер ҳўжалигининг 2087 гектар майдондаги экин тури ҳақида қўшимча равишда «аниқлик киритилган». Жумладан, Дўстлик туманидаги 11 та фермер ҳўжалигининг 137 га., Мирзачўл туманидаги 7 та фермер ҳўжалигининг 163 га. ер майдони Ер ресурслари бошқармасининг «Ердан фойдаланишдаги талон-тарожликлар» тўғрисидаги маълумотномаси рўйхатида тушган...

С.ШЕРНАЗАРОВ:

— Ердан тўғри фойдаланиш, унинг унумдорлик даражасини сақлаш қонун талабидир. Айтиш керакки, айнан шу масалада фермер ҳўжаликлари томонидан ҳам қатор қонунбузарликлар содир этилмоқда. Жумладан, Мирзачўл туманидаги «Анор» фермер ҳўжалиги райони А.Садуҳасов иштиёридаги 86 гектар ернинг 10 гектарини фуқаролар Х.Дадажонов, З.Ҳасанов, У.Ботировларга 200 минг сўмдан, жами 2 млн. сўмга сотиб юборган.

А.ТУРСУНОВ:

— Бу таҳлил талон-тарож ҳолатлари бошқа воситалардан фойдаланишда ҳам кўзга ташланади. Масалан, фуқаро А.Минаров 2000 йилдан буён Дўстлик туманидаги «Истиклол-25» ижара ширкатлар бирлашмасида ёнилғи-мойлаш материаллари омбори тарқатувчиси бўлиб ишлаб келган. Тегишлири кўнига қадар у 147 литр дизель

сингдирмас эканми, бундай жиноятлар такрор содир этилмаслигига қарол йўқ.

— Соҳадаги қонунбузарликлар қаторида тўлов интизомини ва шартномага риоя этилмаётганлик ҳолатига ҳам мисол келтирсангиз.

С.ШЕРНАЗАРОВ:

— Бундай камчиликлар мавжудлиги янгли ҳол албатта. Айниқса, иш ҳақидан қарздорлик масаласи долзарб бўлиб турибди. Меҳнатдан манфаатдорлик бўлмас экан, соҳада ўзгариш бўлиши қийин. Р.Ҳайдаров номли агрохизмат марказининг сув хавзаси мудир С.Бененов 2003 йилгача фуқаро Л.Бисеновнинг 197.945 сўм, Н.Бисеновнинг 128.000 сўм миқдоридagi иш ҳақини, Н.Давлатбоевнинг 154.605 сўм иш ҳақини тўламасдан келганлиги аниқланди.

Бошқа бир ҳолатда тўлов интизомини бузишнинг ўзига хос шаклини учратиш мумкин. Мирзачўл тумани МТП АЖ «Ҳожимирзо Санжарбек» фермер ҳўжалигига 2002 йилда 513.212 сўмлик техник хизмат кўрсатганига қарамай, кўрсатилган хизмат учун фермер ҳўжалигидан 1.846.852 сўм ортикча ундирилган. Ушбу маблагни фермер ҳўжалигига қайтаришдан МТП раҳбарлари буйюн товлаб келган.

Энди шартномага риоя этиш масаласига келсак, айтиш жоизки, шартномавий муносабатлар бозор иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи механизмдир. Мирзачўл туманидаги «Айгул» фермер ҳўжалиги «Дўстлик» дон маҳсулотлари корхонаси билан 2002 йилда 42,5 тонна галла топшириш тўғрисида 458-шартномани тузган. Амалда шартномага ҳилоф равишда бор-йўғи 13,2 тонна галла топширган. Яна 10 та фермер ҳўжалиги шундай йўл тутган.

Мирзачўл туманидаги «Фозил-хожи» фермер ҳўжалиги Миллий банкнинг туман бўлими кредити эвазига туман МТП АЖдан 3 йил муддатга «МТЗ-80» тракторини ижарага олишга шартнома тузиб, унга кўра, 2,5 млн. сўм МТП ҳисобига ўтказиб берилган. Лекин МТП раҳбарлари техникани ижарага беришни ортга суриб келишган.

Уйлайманки, суҳбатимиз бошида айтиб ўтилган фармон қишлоқ ҳўжалигидаги шунга ўхшаш қонунбузарлиқ ҳолатларини бартараф этишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ  
суҳбатлашди

**PROKUROR NAZORATI**

Халқимиз қадимдан қурилишга ихлосманд бўлган. Буни юртимиздаги ўнлаб улуғвор меъморий ёдгориклардан ҳам билса бўлади. Соҳибқирон Амир Темур бежизга: «Бизнинг қудратимизни билмоқчи бўсангиз, қурдирган иморатларимизга боқинг» демаган. Айтиш керакки, кейинги йилларда мамлакатимизда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, коллеж ва мактаблар, касалхоналар, табиий газ ва ичимлик суви иншоотлари қурилиши учун катта маблағ ажратилмоқда. Аммо, афсуски, айрим кимсалар вазиятдан фойдаланиб, талон-тарож қилиш, қўшиб ёзиш ва шу каби қинғир ишларга қўл уришаётир.

Шу боис Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари бу масалага алоҳида эътибор билан қараб келмоқда. Сўнги пайтларда Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Президентининг «Капитал қурилишида нархларнинг шаклланишини текшириш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида»ги фармоиши ижроси юзасидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда бир қанча текширишлар ўтказилди ва эътироф этиш керакки, қўллаб қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Вилоят капитал қурилиш бош бошқармаси раҳбарияти 2001 йил давомида мuddати ўтган 259,8 млн. сўмлик дебиторлик ва 466,7 млн. сўмлик кредиторлик қарзларини

ундириш чорасини кўрмаган. Шунингдек, давлатнинг 1 млрд. 70 млн. сўмдан зиёд маблағини бошқа мақсадлар учун харажат қилиб, бюджет интизомини кўпол равишда бузишган. Бундай суиистеъмолчилик ва бошқа ҳолатлар юзасидан бошқарма бошлиғи С. Холимқулов, иқтисодий масалалар бўйича ўринбосар М. Ашуров ва бош ҳисобчи О. Мергановаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Тергов ҳаракатлари натижасида 2000-2001 йиллар мобайнида С. Холимқулов жиноий шериклари — бошқарма техник назоратчиси А. Қулматов, Денов қишлоқ қурилиш трести бошлиғи Ш. Дўстқобилов, вилоят жамоа қурилиш трести ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Х. Соқиев, «Тараққиёт» масъулияти чекланган қурилиш жамияти (МЧКЖ) раиси С. Сафаров, «Фидокор» МЧКЖ раиси М. Абдураимов ва бошқалар билан бирга 26 млн. сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштирганлиги аниқланди.

Кези келганда биргина «Фидокор» МЧКЖ билан боғлиқ машамаларга кенгроқ тўхталиб ўтсак. Ушбу жамиятнинг вилоят капитал қурилиш бошқармасидан 2000 йил охирида 3 млн. 304 минг сўм қарзи бўлган. Бу жамоа билан 2001 йилда шартнома тuzилмаган. Аммо бошқармадагилар жамиятга ана шу давр ичида бюджет маблағи ҳисобидан келтирилган 3 млн. 736 минг сўмлик қурилиш материаллари ва 1 млн. 200 минг сўмлик трансформаторни бериб юборишган. Яна 5



млн. 500 минг сўм пул ҳам ўтказиб берилган.

Шунингдек, бошқарма бошлиғи «Сурхонцементсавдо» шўъба корхонаси «Ўйжойжамғармабанк»нинг Термиз бўлиминдан кредит олиши учун бошқарма номидан рақамсиз кафилик шартномаси тузиб, 1 млн. 113 минг сўмлик ушбу кредит фондзини бюджет маблағи ҳисобидан тўла берган.

Бундан ташқари, у 574-механизациялашган кўчма жамланма бошлиғи Ч. Туропов ва бош ҳисобчи Н. Сухановлар билан келишиб, қалбаки шартномасига асосан «Сурхонсавдо» хусусий фирмаси ҳисобига схема орқали 4 млн. сўм ўтказган ва ўзлаштиришган.

Мазкур жиноят ишлари бўйича юқорида номлари тилга олинганлардан ташқари 16 нафар мансабдор ЖКнинг тегишли моддалари билан айбланди. Ҳозир уларнинг қилмишлари вилоят судида қўрилмоқда.

Вилоят прокуратураси томонидан «Бунёдкор-26» қурилиш ҳиссасдорлик уюшмасининг бир гуруҳ

мансабдорларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича олиб борилган тергов жараёнида 84 млн. сўмлик давлат мулки талон-тарож қилинганлиги фош этилди. Жумладан, мазкур уюшма раиси К. Эркаев ва унинг шериклари Тошкент шаҳридаги корхоналардан бирига қарашли хизмат автомашинасидан вақтинча ташкилот ишларида фойдаланилаётганлигини рўқча қилиб, 2000-2001 йиллар давомида қалбаки йўл варақалари орқали 393 минг сўмлик 2430 литр ёқилгини ўзлаштиришган. Яна ишлатилмаган қурилиш материалларини ишлатилган дея қайд этиб, 12 млн. 700 минг сўмлик маблағни жигилдонига жойлашган. Ҳатто, расм жаноблари 19 метр-куб бетон қоримаси ва 5 дона эшикни ўз уйига олиб бориб ишлатишдан ҳам тап тортмаган. Бу жиноий гуруҳ аъзолари ҳам энди суд олдида жавоб бермоқда.

Баъзан иншоотларнинг қурилиш қиймати суъний равишда ошириб юборилаётгани ҳам ташвишли ҳолдир. Текширишларда бу борада

нуний равишда топширилган.

Қизилтепа тумани агросервис коллежини капитал таъмирлаш учун Навоий вилоят ҳрқимлиги капитал қурилиш бошқармаси билан «Наврўз» АЖ ўртасида тузилган шартнома ҳам эътиборга молик. Шартномада бир йил ичида объектнинг топширилиши белгиланиб, ушбу ҳужжатнинг 3.2-бандида объект баҳоси ва мuddати ўзгармаслиги

ҳам аниқгина гайриқонуний ишлар аниқланган. Шу ўринда яна С. Холимқулов ва шериклари қилмиши ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Бу кимсалар зарур ускуна, материал ва конструкциялар сотиб олишда негадир яқка тартибда ишловчи тадбиркорлар ҳамда хусусий фирма раҳбарлари билан ҳамкорликда иш юриштирган. Бир қисм товарларни ана шундай учинчи шахслар орқали харид қилиб, улар ҳисобига 2001 йилда 36 млн. 637 минг сўм, 2002 йилда эса 63 млн. 411 минг сўм ўтказиб беришган. Оқибатда бюджетга жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилган.

Вилоят академик лицейлар қурилиши дирекциясининг мансабдорлари ҳам шундай йўл билан қурилиш материалларини белгиланганидан анча қиммат нархларда сотиб олишган. Масалан, 2001 йил ноябрь ойида 1 тонна электроднинг ўртача нархи 610 минг сўм бўлсада, «Бозоров» номили хусусий фирмадан 0,6 тоннасини 820 минг сўмга, декабрь ойида 1 тонна цементнинг ўртача нархи 21,7 минг сўм бўлсада, яқка тартибдаги тадбиркор Пулатовдан 67 тонна цементнинг ҳар тоннасини 26 минг сўмдан харид қилишган.

Термиз шаҳрида бунёд этилаётган академик лицей қурилишининг бош пудратчиси «Ишонч» МЧКЖ амалдорлари ҳам шунга ўхшаш қонунбузарликни содир этиб, жамоа манфаатларига 3 млн. 364 минг сўмлик зарар етказганлар. Мазкур ҳолатлар юзасидан ҳам айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Умуман, қурилиш соҳасидаги қинғирликлар бўйича 9 та жиноят иши қўзғатилган бўлиб, жами 60 киши жавобгарликка тортилди. Бу борадаги назорат фаолияти давом эттирилмоқда.

**Фахриддин БОЙЗОҚОВ, Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, Курбон НАУЗАРАРОВ, «НУҚУҚ» муҳбири**

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг юртимизда бунёдкорлик ишларига жиддий эътибор қаратилди. Натижада шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди: кенг ва раво йўллар, замонавий кўприклар, шинам турар-жойлар, осмонўпар бинолар юртимиз кўрғига кўрк қўшди. Албатта, бунда қурувчиларнинг хизматини эътироф этиш лозим. Лекин қонунбузилиш ҳолатлари ушбу соҳани ҳам четлаб ўтмади. Қурилиш молларини талон-тарож қилиш, бажарилган иш ҳажмини бўрттириб кўрсатиш, тендер савдоларини номигагина ўтказиш ҳолатлари бирмунча кўпайиб кетди. Қурилиш соҳасидаги бундай қонунбузарликлар Навоий вилояти прокуратура идоралари томонидан ўтказилган текширишларда ҳам аниқланди.

Маълум бўлишича, вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармасига давлат маблағлари ва марказлашган кредитлар ҳисобидан соғлиқни сақлаш, халқ таълими объектларини қуриш ва таъмирлаш учун 2002 йилда 8 млрд. 520 млн. 830 минг сўм ажратилган. Вилоят статистика бошқармаси маълумотига кўра, шу маблағлар ҳисобидан ўтган йили 30 та табиий газ, 29 та ичимлик суви объектлари, 4 та уй-жой, 13 та қишлоқ врачлик пункти, 5 та коллеж ва 1 та мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилган.

2001-2002 йилларда ва жорий йилнинг январь-февраль ойларида 104 та тендер савдоси ўтказилган. Савдо натижалари бўйича тўплаган ҳужжатлар текширилганда Адлия вазирлигида тасдиқланган «Тендер экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 3-бўлими 21-банди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 мартдаги «Марказлаштирилган манба ҳисобига қурилаётган объектларни ўз вақтида маблағ билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талаблари кўпол равишда бузилганлиги аниқланди.

Жумладан, 2002 йилнинг 21-22 февраль кунлари Хатирчи туманидаги Ибн Сино номили ширкат ҳўжалигида 422 ўринли мак-

# ТЕНДЕР «САВДОСИ»

таб қурилиши бўйича лойиҳалаштириш ишларини бажариш юзасидан тендер ўтказилган. Унда 4 та оферент (даъвогар) қатнашган. Қизик томони шундаки, даъвогарлардан бири — «Навоий-дизайн» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ)нинг арзон ва қисқа мuddатли (1.210.600 сўм, лойиҳалаштириш мuddати — 60 кун) лойиҳаси комиссия эътиборидан «четда қолган». Натижада «Навоийфўқаропроект» МЧЖ (5.813.700 сўм, лойиҳалаштириш мuddати — 120 кун) танловда «ғолиблик»ни кўлга киритган.

Ваҳоланки, «Навоий-дизайн» МЧЖ таклиф қилган лойиҳа «Навоийфўқаропроект»нинг таклифига қараганда 4 мартаба арзон ва лойиҳалаштириш мuddати ҳам 2 баробар кам эди. Тендер комиссиясининг «саъй-ҳаракати» билан объектни лойиҳалаштириш «Давархитектқурилиш» кўмитасидан бериладиган лицензияга эга бўлмаган «Навоийфўқаропроект» МЧЖга ноқо-

кўрсатиб ўтилган. Лекин боқибегамликни қаранглик, иншоот фойдаланишга топширилиши керак бўлган вақтдан 43 кун ўтгач объект баҳосини 137.986.600 сўмга ошириш ва фойдаланишга топшириш мuddатини яна 79 кунга узайтириш хусусида тендер баённомаси тузилиб, комиссия томонидан тасдиқланган. Бундан ташқари, пудратчи «Наврўз» АЖнинг фойдасидан тўланадиган 28.806.700 сўмлик фойда солиғи яширилиб, давлат бюджетига зарар етказилган.

Ушбу ҳолат юзасидан тендер комиссияси мансабдорларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Вилоят статистика бошқармасига ўтган йили фойдаланишга топширилган қурилиш объектлари бўйича тақдим этилган ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги ўрганиб чиқилганда, буюртмачи ва пудратчилар томонидан бажарилмаган қурилиш-монтаж

ишларини қўшиб ёзиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, Навоий шаҳридаги Санъат ва маданият коллежида пудратчи «Трест-2000» ОАЖ бажарган ишлар 1.018.838 сўм ошириб кўрсатилган.

Навоий давлат электр иссиқлик станцияси қурилиш бошқармасида прораб лавозимида ишлаб келган А. Қурбонов эса қурилиш бошқармасининг мансабдорлари би-

лан тил бириктириб, ўзининг жавобгарлигидаги 6.176.337 сўмлик 18 турдаги қурилиш материалларини қонунга хилоф равишда сотиб, пулни шахсий аҳтиёжи учун ишлатиб юборган. Бу ҳолат бўйича ҳам айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Текшириш натижаларига кўра вилоят ҳокими номига ахборотнома, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида 8 та тақдимнома киритилди. 12 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилиб, 10 нафар шахсга нисбатан маъмурий ва 4 нафар шахсга нисбатан интизомий жавобгарликка оид ҳамда 8 та жиноят иши қўзғатилди.

**Нусрат МИРЗАЕВ, Навоий вилоят прокуратураси умумий назорат бўлимининг бошлиғи**

**SUD OCHERKI**

...Яхшигина яшаб турган оиладан номнишон қолмади. Она

бўғизланди, болалар чавақланди, ота ўлим жазосига ҳукм қилинди. Нега бундай бўлди? Баъзида аччиқ, баъзан тотли ҳаёт йўлидаги умр йўлдошини ўлдиришга, болаликнинг беғубор дамларига ҳали тўйиб улгурмаган фарзандларининг жонига қасд қилишга отани нима мажбур этди? Нима бўлганда ҳам бу муҳиш воқеани кўп киши эшитди. Биров отани руҳий хастага чиқарди, биров онани энгилтакликда айблади. Лекин фарзандлар ҳақида ҳамма куйиниб гапирди. Ахир фарзандларда нима гуноҳ? Улар ҳам ўртоқлари каби ўйнаб-қулишга, ёшиқ суруридан баҳра олишга ҳақли эди-ку.

Ўқитувчи келишини кутиб ўтирган болалар эшик шитоб билан очилгач, ўринларидан гурра турдилар. Лекин синфга улар кутаётган ўқитувчи эмас, балки ўзларининг синфдошларидан бири ҳовлиқиб кириб келди.

— Болалар, Темури билан Иззат мактаб орқасида яна уришяпти. Юринлар.

Бола синфга қандай қирган бўлса, шундай орқасига қайтди. Ўзининг орқасидан синфдаги ҳамма ўғил болаларни, ҳатто, томошата-лаб бир-иккита қизларни ҳам эргаштириб кетди. Улар шовкин-сурон билан ташқарига, ундан мактаб орқасига ўтишди. Ҳақиқатан ҳам у ерда уч бола турар, иккитаси бир-бирининг ёқасидан олган, яна бири уларни ажратиб қўйишга ҳаракат қиларди. Уларнинг жанжаллашаётганига анча бўлган шекилли, бирининг кўйлаги йиртилган, бирининг бурни қонаган. Шундай бўлса-да, ҳеч бири паст келмас, бир-бирини ҳақоратлашдан қолмасди.

— Ҳов, мен сенга айтаяпман. Синфда биринчи шеф мен бўлман.

— Шеф бўлсанг, ўзингга. Менга шефлигинг ўтмайди.

— Утмаса ўтказиб қўяман.

— Қўлингдан келмайди...

Темури ва Иззатнинг бу уруши биринчиси эмас эди. Улар учун оддий баҳона ҳам жанжалга сабаб бўлаверарди. Гоҳида уни, гоҳида буни баҳона қилиб ёқалашиб юрган болаларга атрофдагилар ҳам кўникиб кетишди. «Ҳали ёш-да, катта бўлса иноқ бўлиб кетишад» деганлар ҳам кўп бўлди. Афсуски, мактабни битириб, мустақил ҳаётга қадам қўйгач, уларнинг жанжаллари кескин адоватга айланди. Тақдир тақозоси билан иккиси бир опа-сингилга қўнғил қўйди. Вақтисоати етиб, олдинма-кейин турмуш қуришди. Синфдошлик ришталари тўй баҳона оға-инчиликка айланди. Шундай бўлса-да, аввалги келишмовчилик кучайса кучайдики, асло камаймади.

Темури уйига яқинлашар экан, кўчада болаларининг ўйнаб юрганини кўриб, суюниб кетди. Дадасининг келаётганини аввал Бобур кўрди. Тупроққа беланиб ўйнаб ўтирган жойидан дарров турди-да, «дадам» деганча Темурининг кучоғига шовилди. Моҳинур ҳам бироз нима бўлганини англамай турган бўлса-да, кейин дадасини кўриб, чопқиллаганча улар томон ошдики.

— Дада, менга нима олиб келдингиз?

— Менга-чи?

Болаларининг тинимсиз бераётган саволларига жавобан у чўнтагидан иккита сақич чиқариб, қўлларига тутди.

— Бобур, аянг қаерда?

— Уйда.

Темури фарзандларини кўтариб, уйга кириб борганда меҳмон борлигини пайқади. Чунки эшик олдида эркак кишининг пойфазали турарди. У фарзандларини ерга қўйиб, энди эшикка қўл чўзганди ҳамки, эшик очилиб хотинига рўбарў келди.

Эрининг бу тахлит саволи Дилдорани саросимага солиб қўйди.

— Ҳеч нарса, шунчаки ўтиргандик.

— Ҳов, менга тўғрисиани айт, жаҳлимни чиқарма. Аввалам шу мараз билан ош-қатиклигини оқибатида оиламиз бузилиб кетишига салқолганди. У билан бошқа кўришмайман деб сўз бергандинг-ку. Ё яна бошладингми? Сенга айтаяпман! — Иззат шундай деб Дилдоранинг ёқасидан олди.

— Қўйиб юборинг. Сиз дарров

чақираяпти, деганди. Лекин у уйда йўқ экан. Темури гумонлар гирдобиди изига қайтар экан, уйининг орқасида кимнингдир қорасини кўриб қолди. У тезлик билан уйи томон ошди. Боя эшик қўлф эди, ҳозир очик, чироқ ёниқ. Хотини халатда доқадек оқариб уни кутиб турарди.

— Орқадан, деразадан чиқиб кетган ким эди?

— А... кимни айтаяписиз? Тушунмаяпман.

— Эшикни нимага очмадинг?

# ҚОТИЛ ОТА, ҚОТИЛ ЭР



— Э, дадаси, қачон келдингиз? Уйга меҳмон келиб, сизни кутиб ўтирганди.

Хотинининг кўзини олиб қочиши уни ўйлантириб қўйди: «Наҳотки яна келган бўлса?». Темури минг бир гумон билан уйга кирди. Кўзи унга тушди-ю, беихтиёр кўли муштга айланди. Меҳмоннинг қўрпадан туриб, кўришиш учун қўл чўзиб келаётганини кўргач, жаҳлини бироз босди.

— Божка, сени кўрар кун ҳам бор экан-ку.

Иззатнинг кучоқ очиб келаётганини кўриб, хохламайгина қадрдон дўстлардек кўришди.

— Ҳа, соғиндингми, бир айлан-ниб келибсан-да?

— Ўзинг ўтмагандан кейин, келамиз-да, — Иззат шундай деб боладан бери кўзига тик қарашга бо-тинолмаётган Темурининг кўзига қарашга журъат этди. Қўзлар кўзларга тўкнашди. Бир мuddат сўзсиз мулоқот юз берди.

— Синфдошлар йиғилиб, бир «гап» қилмоқчи эдик. Шунга айтгани келувдим, — Иззат шундай деб Темурига қараб олди-да, қўшиб қўйди:

— Сен ҳам қўшилисанми?

— Ҳали бўлаверсин-чи, худо хоҳласа қўшилирмиз.

— Яна қолиб кетмагин-да, бир ўзинг сўппайиб.

Сўхбат шу тариқа бироз давом этгач, Иззат кетишга чоғланиб қолди. Уни кузатиб уйига қайтиб кирган Темури хотинини чақирди.

— Мараз билан нима қилаётгандинг?

ёмон ҳаёлларга бораверманг. Аввал ушланг, кейин гапиринг.

Хотинининг бу кескин гапи Темури довдиратиб қўйди. У Дилдорани силтаб юборди-да, уйдан чиқиб кетди.

М аърака қариндош-уруғларни жуда чарчатди. Вафот этган ақасининг худойисини ўтказган Темури ҳам гоят ҳориган бўлса-да, янғасининг ётиб қолинг, дейишга қарамасдан, уйига кетишга қарор қилди. Ой чиқмаган, кўча жуда қоронгу. Туртиниб-суртиниб уйига етиб келганда соат тўққизлар чамаси эди. Эшикни итариб кўрса, ичкаридан қўлфлоглик экан. Ҳойнаҳой кўрққан бўлса керак деган ўй билан эшикни тақиллата бошлади. Бир-икки қаттиқ тақиллатгач, уйнинг чироғи ёқилмай деразадан хотинининг овози келди.

— Темури ака, сизни кўшимиз Эркин ака сўраган эди, тез ўтаркансиз.

Хотинининг гапига ишонишни ҳам, ишонмаслиқни ҳам билмай Темури кўшинининг ҳовлиси томон юрди. Ярим кечаси қўшни нимага уни сўраши мумкин? Бирор зарур иши бормикан?

Шу ўйларда кўшнисининг уйига борганда айвонда Эркин ақанинг ўғли Азамат турарди.

— Даданг қани, мени сўраган экан?

— Уйда йўқ, бир иш билан чиқиб кетган эди.

Бу жавобдан Темури саросималаниб қолди. Хотини, Эркин ака

Эркин ака мени чақирмаган экан-ку?

— Йўқ... чақирган эди.

Темури довдираб гапирётган хотинининг ҳолатидан бир нарсани фахмлагандек бўлди. Унга яқинлашди-да, халатнинг олдини очиб юборди. Дилдоранинг устида халатдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Темури ўзини тутиб туролмади. Дилдоранинг сочидан ушлаб, ташқарига судрай бошлади.

— Юр буюққа, сенинг нима иш қилиб юргангини ҳамма биллиб қўйсин!

Дилдора хўнграб йиғлаб юборди. Йиғлаб-сиқтаб эрига ялина бошлади.

— Мени шарманда қилманг, болаларингиз ҳаққи-ҳурмати.

— Болаларни қўшма бу жирканч ишингга...

— Ҳаммасини ўзингизга айтиб бераман. Илтимос, бундай қилманг.

Хотинининг кейинги гапи Темури бироз шаштидан туширгандек бўлди. Зора у шунча вақтдан буён ич-этини еб келаётган шубҳа-гумонлардан халос бўлса. Суюкоёқ хотинининг асл башарасини билиб олса. Темури хотинининг билагидан ушлаб девор бурчагига итариб юборди.

— Қани гапир, ҳаммасини айтиб бер, мегажин!

Эрининг ваҳожатидан кўрққан Дилдора ҳаммасини бошидан гапириб берди. Иззат билан анча вақтдан буён дон олишиб юрганлигини, бошида бу иш бўлгандан кейин у дам-бадам келиб, эрингга ҳаммасини айтиб бераман, деб уни

қўрқитганлигини, ўзининг ва сингилсининг турмуши бузилиб кетишидан кўрчиб, Иззатнинг ҳамма айтганларига қўнганлигини бирмабир айтиб берди.

Ҳаммасини эшитган Темури чидаб туролмади. Бундан кейин нима бўлишини кутиб турган хотинининг юзига қаттиқ шапалоқ туширди. Зарбани кутмаган Дилдора мувозанатни йўқотиб ерга йиқилди.

— Ўлдириб-пўлдириб қўймайсиздан бу ердан йўқол, сен... Қорангни кўрсатма.

Эридан бундай жавобни кутмаган Дилдора аста туриб, бошқа хонага ўтди. Бироздан кейин бошқа кийимда чиқиб келди. Энди у ўзини бироз тутиб олган, эмин-эркин ҳаракат қиларди. Қайғуда ўтирган эрига бир қаради-да, болалари ётган томонга ўтди. Уйкуда ётган фарзандларини уйғота бошлади.

— Болаларга тегинма, ўзинг йўқол.

— Болаларда сизнинг ҳақингиз йўқ, улар...

Дилдоранинг кейинги гапи Темурига ток ургандек таъсир қилди. Ўзини бошқаролмай гилам устида ётган пичоқни олиб Дилдорага ташланди...

Дилдоранинг дод-войидан, Темурининг аламли ўқиришидан болалар аллақачон туришган, нима бўлаётганини англолмай йиғламсираб туришарди. Темури улар томон қаради-да, икки норасиданинг вужудида ҳам Иззатнинг тимсолини кўргандек бўлиб кетди...

«Нима қилиб қўйдим? Нима мажбур этди бундай қилишга? Ким сабабчи?.. Ҳа, ҳаммасига ўша мараз, ўша қаллоб сабабчи. Сенинг будунёда яшашга ҳақинг йўқ. Ҳали ҳаммасига жавоб берсан!»...

Темури ўзини анча босиб олган эди. Аста туриб шимини алмаштирди. Кейин ошхонадан бошқа пичоқ олиб, қўзлаган манзили томон югуриб кетди.

Чироқни ўчириб, телевизорда сериал кўриб ўтирганлар дафъатан эшикдан кириб келган кишини унча пайқашмади. Экриан қаршисида ёнбошлаб ётган Иззат эшикдан кирган кишининг қўлидаги пичоқни кўрди-ю, кимлигини англади. Қоронғуда югуриб келган Темурининг қоронғуликка кўзи ўргангани учун телевизор томоша қилаётганлар ичидан Иззатни тезда таниди.

— Сенинг яшашга ҳақинг йўқ, мараз, — Темури шундай деб Иззатга ҳамла қилди. — Ҳаммангни ўлдираман.

Пичоқдан энгил жароҳат олган Иззат ташқарига қочиб чиқди. Темури бу пайтда одамқушга айланиб, тўғри келган кишига пичоқ сермай бошлади. Иззатнинг хотинига ҳам жиддий тан жароҳати етказди. Темури ташқарига чиққанда, шовкин-сурондан кўни-кўшилар воқиф бўлишган, қандай бўлмасини улар тинчлантиришга ҳаракат қилишарди. Лекин Темури уларга тутқич бермай қочиб қолди ва қоронғуликка сингиб кетди.

Уд ҳукми билан Темурига ўлим жазоси тайинланди.

Уч кишининг ҳаётига зомин бўлганлиги ва бир неча кишига оғир тан жароҳати етказгани учун айбдор тегилиш жазосини олди. Лекин уни бу муҳиш воқеани содир этиш даражасига олиб келган Иззат виждон азобида қутула олармикан?.. Бу саволнинг юки гоят залворли, ҳатто минг пушаймону тавба-тазарудан ҳам залворлироқдир.

**Юсуф МУСАЕВ,**  
**Республика Бош**  
**прокуратурасининг**  
**бошқарма прокурори.**  
**Фозил МАМАШАРИПОВ,**  
**«HUQUQ» мухбири**

**QILMISH-QIDIRMISH**

Йил бошида жиноят ишлари бўйича Акмал Икромов туман суди Ирина Петрованинг (исмлар ўзгартирилган) жиноят ишини кўриб чиқди ва уни 10 йилга озодликдан махрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Ирина жазони қаттиқ режимдаги колонияда ўтайдиган бўлди.

сал ичиб олса, ҳеч кимни танимай қолар, ароққа тўйиб йиқилиб қолмагунча тинчимасди. Ирина унинг қўлига ёпишди.  
— Нега менга ақл ўргатасан, манжалагай? Бу аёлда пул бор, уни олиш керак, — қичкирди Алексей ва Иринанинг жағига мушт туширди. Зарбдан син-

# АРОҚНИНГ ҚОРА ҚИЛМИШИ

Биз аёлни ҳаётнинг гултожи деб атай-миз. Мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган муносабат, уларга бериладиган имтиёзлар ҳавас қилса арзиғулик даражада. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Конституциясида (46-модда), Оила кодексининг бир қатор моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган ва уларга қатъий риоя қилинади. Хўш, жамиятимизнинг шундай ҳурмат-эътиборга сазовор аъзолари сирасига кирадиган Ирина нега бундай жазога лойиқ топилди?

Воқеа бундай бўлган эди: Ирина муттасил спиртли ичимлик ичиши сабабли эри билан ажрашди. Владимир хотинининг қилигидан безор бўлиб, костюмини елкасига ташлади-ю, Россияга, узоқ қариндошлариникига бош олиб кетди. Ирина уч хонали квартирасини сотиб, ота-онасиникига қўчиб келди. Бу ўртада акаси Алексей ҳам хотинидан ажрашиб, онанинг пинжига тиқилди. Бир йил ичида Иринанинг «квартирасини» ичиб битиришди. Энди уйдаги анжомлар ҳам «ароққа» айланиб, Ирина билан Алексейнинг «хурмачасига» туша бошлади.

Бир куни Алексей отасининг палтосини икки шиша ароққа алмаштириб келди. Ирина музлаткичдаги қолган-қутган масалликлардан газак тайёрлади. Ака-сингли ҳаётнинг оғирлашиб бораётганлигидан нолиб, шишаларни бўшатишди. Аммо чанқоқлари босилмади. Шу пайт фаррош бўлиб ишлайдиган она кириб келди. Алексей онасидан ароққа пул сўради. Она ҳали маош олмаганини айтиб, ичкарига йўналди. Аммо Алексей унинг қўлидан тутиб қолди: «Ҳеч нарса билан ишим йўқ, пул топасан, вассалом!»... Алексей кейинги пайтларда шунақа бўлиб қолган,

гил кесилган да- рахтдек ерга қулади, аммо ўзини йўқотмади. Кўзига қон тўлди. Атрофга аланглади. Стол устида турган пичоққа кўзи тушди. Алексей зўрлик билан онасининг чўнтақларини титқилаётган пайтда ўрнидан турди-да, пичоқни олиб, орқа тарафдан Алексейнинг биқинига санчди. Қўлига иссиқ қон сачради. Баттар кутуриб, пичоқни акасининг елкасига яна уч-тўрт марта урди. Алексей «шилқ» этиб йиқилди ва ўн дақиқалардан кейин жон таслим қилди. Ичкиликбозлик кекса ота-онани бир фарзандидан жудо этиб, иккинчисини ўн йил интизор қуттишга, ундан қолган нарасидани едириш-ичириш учун ўзларини ўтга-чўққа уришга мажбур этди. Улар фарзандларига аввал-бошдан яхши тарбия берганларида, ичкиликка ружу қўйишининг олдини олганларида бу қунларга қолмасмидилар?

Р.РАХИМОВ,  
Акмал Икромов туман прокурорининг  
катта ёрдамчиси

**HUQUQ**

**YURIDIK GAZETA**

**Ta'isichilar:**

О'zbekiston Respublikasi

Bosh prokuraturasi,

Toshkent shahar va

Toshkent viloyati

prokuraturalari,

«Qonun himoyasida» jurnali

**Bosh muharrir:**

Abduxoliq

ABDURAZZOQOV

**Tahrir hay'ati:**

Bahriddin Valiyev,

Dilshod Islomov

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Jahongir Sharofboyev

(mas'ul kotib),

Lola Shomurodova,

Hasan Inoyatov,

Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

**Manzil:** Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 133-82-34.  
**Reklama va e'lonlar:** 133-82-34

**E-mail:** huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar e'galariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida oset usulida A-3 formatda chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 332  
Nusxasi — 15677

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

**Navbatchi muharrir:**  
F. YODGOROVA  
**Musahhib:** F.MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

**1 2 3 4 5 6 7 8**

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00  
Bosmaxonaga topshirildi 20.45

**ЖАКАРТАДА  
ПОРТЛАШ**

27 апрель куни эрта тонгда Жакарта шаҳридаги халқаро аэропортда бомба портлади. «Франс-пресс» агентлигининг хабар беришича, портлаш оқибатида яраланган 11 кишидан бири оғир аҳволда. Улар орасида 12 яшар қизча ҳам бор. Ҳозирча ҳеч бир террорчилик гуруҳи теракт учун жавобгарликни бўйнига олмади. Маҳаллий полициянинг айтишича, қўлбола бомба аэропорт ичидаги ресторандан бири яқинида портлаган.

Айни пайтда аэропорт одатий тартибда ишламоқда.



**ҚУЛАЁТГАН СУНЬИЙ ЙЎЛДОШ**

**ИТАЛИЯ** космик агентлигининг 1996 йили учирилган ва ўтган йили хизмат даври тугаган ВерроSAX номли сунъий йўлдошининг 29-30 апрелда бошқарувга бўйсунуш тизими тўхтади. Мазкур космик агентлик 39 та давлатни уларнинг худудига 48 соат давомида сунъий йўлдош бўлаклари қулаши эҳтимоли борлиги ҳақида огоҳлантирди. Лекин агентликнинг ҳисоб-китобларига кўра, сунъий йўлдош океаннинг экваторга яқин жойга қулаши керак. ВерроSAXнинг оғирлиги 1400 килограмм бўлиб, атмосферага ёриб кирган вақтида у 140 дан орტიқ бўлақларга парчаланди. Ерга етиб келадиган бўлақларнинг оғирлиги 700 граммни ташкил қилади.



**ИРОҚДА УРУШ  
ТУГАДИ**

CNN-нинг хабар беришича, пайшанба куни АҚШ президенти Жорж Буш Ироқда уруш тугаганини расмий эълон қилади. «Оқ уй» маъмуруларининг айтишига қараганда, бу эълон Бушнинг Форс кўрфазидан қайтган «Авраам Линкольн» номли Америка авиаташувчи кемасида ўқиб эшиттирадиган нутқидан жой олган.

Жорж Буш АҚШда яшовчи ироқликлар билан бўлган душанба кунги учрашувида шундай деди: «Биз сизни Садам Хусайн тузумидан озод қиламиз деб ваъда берган эдик ва сўзимиз устидан чиқдик. Энди биз Ироқнинг дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига ёрдам бермоқчимиз ва ишонинг, биз яна сўзимиз устидан чиқамиз».

Шу билан бирга Буш янги Ироқни тиклаш учун вақт кераклигини таъкидламоқда.

**ЎСПИРИН ТЕРРОРЧИ**

Германиядаги автобуслардан бири 18 та йўловчиси билан ҳозирда номи эълон қилинмаётган ўспирин томонидан гаровга олинган. Мамлакат Ички ишлар вазирининг айтишича, жиноятчида ҳибсга олинган экстремистларнинг номлари эзилган рўйхат бўлган. 17 ёшли террорчи 11 сентябрь куни АҚШда содир этилган теракт юзасидан айбдор деб топилиб қамоққа олинган Рамзи Биналшибха ва «Ал-қоида» гуруҳининг бошқа аъзолари озод қилинишини талаб қилган.

**ШКАФДАГИ ЖАСАДЛАР**


Польшанинг Лодзь шаҳридаги полиция ходимлари ўғирликда гумон қилинаётган шахсни қидиришаётган пайтда дахшатли ҳолга дуч келдилар. Улар кўздан кечириляётган уйлاردан бирида шкаф ичига беркитилган учта ёш боланинг мўмиёланган жасадини топиб олишди. Уйда истиқомат қилувчи ҳомилдор аёл қўлга олинди. Ҳужжатларга кўра, аёлнинг 9 яшар эгизаклари ва 11 ёшли қизи бўлган. Ҳозир Лодзь шаҳар полицияси аёлнинг ушбу топилмага алоқадорлигини аниқламоқда.

**ОЛИМПИАДАНИ  
КИМ ЎТКАЗАДИ?**

2012 йилда бўлиб ўтадиган ёзги олимпиада ўйинларини ўтказишга даъвогар давлатлар қаторига Куба ҳам қўшилимоқчи. Ўйинлар Гавана шаҳрида ўтказилиши мўлжалланган.


Бу ҳақда Куба Олимпия қўмитаси раҳбари Хосе Рамон Фернандес душанба куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида эълон қилди. Расмий ариза Халқаро олимпия қўмитасига 5 майда берилиши кутилмоқда.

2012 йилги ёзги олимпиада ўтказиладиган давлат Халқаро олимпия қўмитасининг 2005 йилда Сингапурда бўлиб ўтадиган сессиясида аниқланади. Номзодлар жуда кўп. Ўйинларни ўзида ўтказиш учун Гавана Лондон, Париж, Буэнос-Айрес, Милан, Варшава, Нью-Йорк, Мадрид, Стокгольм ва бошқа бир қатор шаҳарлар билан рақобатлашишига тўғри келади. Улар орасида Москва ҳам бор.



**НОЁБ ЭКСПОНАТЛАР МУЗЕЙГА ҚАЙТАРИЛДИ**

«Рейтерс» агентлигининг хабар беришича, Америка қўмондонлиги Ироқ миллий музейидан ўғирлаб кетилган экспонатларнинг ўз жойига қайтарилишига эришди. Экспонатларнинг 100 тага яқини Бағдод аҳолиси томонидан қайтариб берилган. 9 апрелда юз берган тартибсизликлар оқибатида музейдаги ноёб экспонатларнинг асарияти ўғирлаб кетилган. Қолганлари эса нобуд бўлган. Асосан Оссурия ва Шумер цивилизациясига тегишли буюмлар зарар кўрганлиги ҳақида маълумот берилган. Қайтарилган экспонатлар орасида қадимийлиги эраимиздан олдинги IX асрга тўғри келадиган Оссурия подшоҳининг ҳайкали ва 7 минг йил аввалги ваза каби ноёб буюмлар мавжуд.



**НИКОУА**

Мен хикоя қилмоқчи бўлган ушбу воқеага ҳам йигирма йил бўлди.

Бекобод — атрофи кенг дала, пахтазор, бедапоя билан қуршалган кишлок. Дўстимиз Усмоннинг болалик йиллари, она меҳрига тўймаган мунгли дамлари йўллари чанг, булоқдан сув ичадиган ўша кишлоқда ўтди. Бизни тақдир мусофир юрдада бир-биримизга рўбарў қилди — афсон тупроғида учрашиб қолдик. Мен қатори ўнлаб йигитлар икки йил шўролар давлатининг «сиёсий йўлларини» туфайли қон кечиб, ўзга юртлар тузини тотдик. Тўғри, тасодифми ё Аллоҳнинг иноятими, харқалай дайди ўқлар мени ҳам, Усмонни ҳам озгина силаб қўйди-ю, қаттиқ жароҳат етказмади.

Икки йиллик қисмат бизни не қўйларга солгани ҳақида айюҳаннос солмоқчи эмасман. Мусаффо усмон остида тинч яшаб, тўқликка шўхлик қилган айрим кишилар ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман, холос.

1983 йилнинг ноябрь ойи. Одатдагидек тонгги «операция»ларнинг биридан қайтдик. Танаввул қилиб олиш учун дала ошхонасининг атрофига чўк тушиб ўтирдик. Шу пайт биз курьер деб атайдиган солдат укамиз халлослаб келиб: «Усмон ака, сизга ахангиздан хат бор», — деб қолди. Усмон хатни олиб очди ва пичирлаб ўқий кетди. Уни синчковлик билан кузатдим. Қорачадан келган, ўрта бўйли, қотма йигитнинг юзидаги ўзгаришлар гайриоддий бир ҳодиса рўй берганидан дарак берарди гўё. У хатни ўқиб бўлди-ю, гижимлади. Ҳайрон бўлиб сўрадим:

- Тинчликми?
  - Тинчлик...
  - Нега рангинг ўзгариб кетди?
  - Э, ўзим шундай...
- Буни қўриб дастурхон атрофидан ўтирган йигитлар ҳам устима-уст савол бера кетишди. Охири Усмон:

**Хикмат**

**Агар қорин гами бўлмаса эрди, ҳеч бир парранда тузоққа илинмас, балки овчи ҳам тузоқ қўймас эди.**

— Менинг хизматдан қайтишимга совга сифатида онам «Волга — ГАЗ-24» машинасини олиб қўйганмиш, — деди.

— Э, зўр-ку, онанг яхши ният қилган бўлса, борганингда маза қилиб миниб юрасан, — деди кимдир.

— Машинаси ўзига бюрсин... Бу гапдан ҳамма ноқулай ахволга тушиб, орага жимлик чўкди. Бироздан сўнг Усмон хотираларга берилиб, бошдан ўтганларини хикоя қилишга тушди.

— Биз оилада тўрт фарзанд бўлган эканмиз: икки опам, акам ва мен. Отам оддий колхозчи, онам эса туман марказидаги касалхонада фаррош бўлиб ишлар экан. Акамнинг айтишича, энди уч ўшга қадам қўйганимда онам бир милиционерни яхши кўриб қолиб, у билан Хўжандга кетиб қолибди. Биргина акамни отамга қолдириб, мен ва опаларимни ўзи билан олиб кетган экан. Орадан икки-уч ой ўтибди. Отам бизни кўргани бориб, сўраб-суриштириб зўрга топибди. Онам билан ўйай отам бизни ташлаб ўзлари қуоруга кетишган экан.

Ушанда биз отамизни қўришимиз билан унинг кучоғига талпинибмиз. Опаларим: «Бизни бу ердан олиб кетинг», — деб йиғлабди. Айниқса мен қаровсиз қолиб, ялангоёқ, эғнимда бир иштон билан сув-лой кечиби, қув-қув йўталиб юрган эканман.

Уша кунни бизни бу ҳолда кўрган отам Хўжанддан Бекободга — ўз уйига олиб келиб қўйибди. Суд ажрим чиқариб, акам ва мени отамга, икки опамни онамнинг қўлига топширибди...

— Онамни бор-йўғи икки марта кўрганман, — деди Усмон ва хикоясини давом эттирди:

— Эсимда, етти-саккиз ёшлар атрофиди эдим. Бир кунни қўриқдан молларимизни вақтироқ ҳайдаб келаётсам, кўчада ўйнаб юрган болалар менга кўзи тушиши билан: «Усмон, онанг келди», — дейишди.

Шундан онам қанақайди-я деган ўй билан уни кўз олдимга келтиришга ҳаракат қилганча уй томон шощдим. Молларни апил-тапил молхона олдидидаги қозикларга боғладим-да, ичкарига югурдим. Остонага етганимда эгим жимирлаб, оёғим таққа тўхтади. Фақат деразадан онамнинг башанг либосларда савлат тўкиб ўтирганини кўрдим, холос. Бироқ қандайдир куч мени онам ҳузурига ундар, ундан-да кучли бир ҳис оёқларимни орқага тортар эди. Дераза ёнидан секин-аста узоқлашар эканман,

**TABASSUM**

Пан Ковальскийга қарз берган одамлардан бири кўнғироқ қилди.

— Мендан олган қарзингизни қайтарасизми, йўқми?

— Ҳозир ҳеч иложим йўқ.

— Яхши, унда билиб қўйинг, кимдан қарз олган бўлсангиз, ҳаммасига кўнғироқ қилиб, Пан Ковальский менга пулни қайтарди, дейман.

Рельс устида куймаланаётган кишидан милиционер сўради:

- Нима қилаяпсиз?
- Рельсни йиғаялман.
- Уртоқ, сиз мастсиз. Қани пуф денг-чи.

онамнинг баланд овозида: «Мана бу Усмонга, мана буниси ҳам Усмонга», — дея тугунлардаги нарсаларни битта-битта олиб кўрсатаётганини сезиб қолдим. Гарчи, тугундаги кийимларни кўрсасам-да, уларни кийиб кўргим келди. Бироқ оёқларим ўзимга бўйсунмасди...

Кеч тушиб, уйга кириб келганимда онам ўтирган тўрдаги кўрпача бўм-бўш эди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек отам, акам ва ўғай онам овқатланиб ўтиришарди. Секин келиб, уларнинг ёнига ўтирдим ва кўзларим олазарак бўлиб, онамни бир бошдан кўздан кечирдим. Уй деворига қоқилган михлардан тортиб, тўрдаги тоқчаларгача. Наҳотки онам менга атаб олиб келган нарсалардан бирортасини ҳам олиб қолишмаган бўлса? Йўғ-е, олган бўлсалар керак. Усмонжонга сюрприз қиламиз деб, бирон жойга яшириб қўйишгандир. Шундай хаёллар билан овқатимни ҳам ичиб бўлдим.

Эртаси кунни акамнинг гапларидан билдимки, онам олиб келган нарсаларнинг бирортасини ҳам уйдагилар олиб қолишмабди...

— Иккинчи марта эса ўн беш ёшларимда онамни узоқдан кўрганман, — дея сўзида давом этди Усмон.

Ушанда ҳам уйга келиб, ховлида турган қизил рангли «Жигули»га кўзим тушди. Бехосдан оёқларим яна ҳаракатдан тўхтади ва кўзим чорпоғида ўтирган икки эркак ва икки аёлга қадалди.

Англадимки, эркаклардан бири отам, иккинчиси машина эгаси. Аёллардан бири ўғай онам, иккинчиси қонуний эри билан ажрашиб, милиционер билан кетиб қолган онам. Шартта орқага бурилдим-да, кишлокдаги синфдош ўртоғимникига жўнаб қолдим. Уйга кеч соат ўнларда қайтиб келдим. Бу вақтда уйимизда сув қўйгандек жимжитлик ҳукм сурарди.

Шу-шу онамни қайта кўрмадим... Усмон уҳ тортиб, сўзида давом этди:

— Акамнинг ёзишича, мен соғомон уйга қайтсам, онам мен билан кўришиш учун Хўжанддан Бекободга «Газ-24»да бораркан. Машина менга совга эмиш, нима дейсизлар? — болаларга савол назари билан қаради Усмон. — Машинани олайми ё олайми?

Унинг овозида энди мардона қатъият бор эди. Йигитлар ўзаро баҳс-мунозарара киришиб кетишди. Анча ўтириб қолибмиз.

Хизматдан кейин Усмонни бошқа кўрмадим. У мендан йигирма икки кун илгари соғ-саломат уйига қайтди. Ҳали-хануз қалбимни ўша жумбоқли савол ўрттайди: Усмон машинани олдимикан ё йўқми?..

Ҳа, айтганча, аввал бошда айтиш эсимдан чиқибди. Усмонлар отаси билан ховлисида қарам етиштириб сотиб, рўзгор тебратишар эди.

**Турсунмурод МАМАТҚОБИЛОВ**

Ҳалиги киши пуфлади. Орадан бир дақиқа ўтгач эса милиционер: — Хўш йиғишни қайси томондан бошлаймиз.

Бир киши дўқонга кириб келди. — Илтмос, юбилей торти учун шам берсангиз. Бугун хотинимнинг таваллуд кунни эди. — Сизга нечта керак? — Ўттизта, ҳар доимгидек.

Кўлида бола кўтарган сув париси унга ҳайрон бўлиб қараб турган одамлардан сўрапти: — Жора исми гаввос қаерда яшашини билмайсизларми?

**SKANVORD**

|                     |                        |                   |                 |                       |
|---------------------|------------------------|-------------------|-----------------|-----------------------|
| Тугуннинг қариндоши | Дори                   | Бехубудий асар    | Каршилик        | Урибос                |
| Пўлат               | Эстрада гуруҳи         | Дўй Қоқизтон      | Сайёра          | Советтин туги         |
| Некча               | Италия пойтахти        | Тонг шамол        | Июль шохли тайф | Халқ                  |
| Шалло               | Футбол жангаси Испания | Каддонлик дўстлик | Безак           | Миллат                |
| Шарқ                | Оларат                 | Ривож             | Эг биринчи      | Дурал-горлик анжуми   |
| Бетмаган            | Каттик сув             | Норвегия пойтахти | Хон...          | Тутуқ                 |
| Роқат               | Дор                    | Оқпапик чироғи    | Намоз           | Исо, Бибӣ Марям, азий |
| Дор                 | Кийимнинг ичка қисмати |                   |                 | Ер ўчоқ берилги       |

Тузувчи: Тожнали УМАРОВ

**НАВОТОЛ ОЛАМИ**

**ЖИЙДАНИНГ ХОСИЯТИ**

**Ғиёсиддин Жазоирий жийда тилидан шундай дейди:**

*Баргим ва қуруқ мевам ични қотиради ва оғиздан сув оқшини йўқотади. Гулим жидда ҳидли бўлиб, исси элик жетрача тарқалади.*

*Дорисозлик саноатида гулимдан баъзи шарбатларни муаттар қилиш учун ишлатилади ва у иситмани пасайтирувчидир.*

*Гулимни ҳидлаш фалаж касалига йўлиққан ва юз фалажига мубтало бўлган кишилар учун фойдалидир.*

*Мевам эса меъда фаолиятини яхшилайди, сафрони босади, қайт қилишни тўхтатади. Хусусан, болалар учун кўп фойдалидир.*

*Бундан ташқари мия ва қалбга қувват беради, исмиқо, сабақ касалига даво бўлади.*

*Агар баргимни зайтун ёғида қовуриб, ҳал қилиб, оғриққа, бунгилар яллиғанишига, ҳиссизланган аъзоларга суртилса, наф қилади. Агар шу ёғ соча суртилса, уни ўстиради. Гулимдан исстеъмоқ қилиш миқдори бир мисқол, мевадан эса элик донагача ейиш мумкин.*

**9-саҳифа**

**РАҚАМ** **АҚШда 100 миллионга яқин киши мухтазам сузиш ва юзуриш билан машғулдир. Қўшма Штатларда 4 миллион 350 мингта сузиш ҳавзаси маъжуд, бу 55 кишига битта ҳавза деган гап.**

**Ғолиғани**

**Газ печининг патнисларидаги занг кумга ботириб олинган хом қартошқа билан ишқаланса, осон кетади.**

...

**Пишлоқни музлатгичда целлофан қопчаларда сақлаган маъқул. Қоғозга ўралган пишлоқ қуриб қолади.**

...

**Пишлоқ қотиб қолмасин десангиз, унинг ёнига бир чақмоқ қанд ташлаб, идиш қопқоғини бекитиб қўйинг.**

...

**Тухум узоқ вақт бузилмай турсин десангиз, уни усимлик ёғи ёки глицерин билан мойлаб қўйинг.**

...

**Тухумни сақлашда унинг уч томонини пастга қилиб қўйган маъқул.**

**Ўтганларнинг охираати обод бўлсин!**

Бош прокуратура жамоаси ҳамда прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиқ Маркази прокуратура фахрийси **Данил ТИЛИН**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чучур таъзия изҳор этади.